БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 222 (713)

11 НОЯБРЬ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

КЎП ИШ ҚИЛИНДИ, АММО ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ВА ЭНГ МАШАҚҚАТЛИ ҲАМДА МАСЪУЛИЯТЛИ КУНЛАР ЭНДИ КЕЛАДИ. ДАВЛАТГА ЯНА БЕШ ЮЗ МИНГ ТОННА ПАХТА ТОПШИРИШ КЕРАК. БУНИНГ УЧУН ҲАР БИР КОЛХОЗ, ҲАР БИР СОВХОЗ ВА МТС ДА, ҲАР БИР БРИГАДА ВА ЗВЕНОДА МЕҲНАТ ЯНАДА ПУХТАРОҚ УЮШТИРИЛИШИ, ПАХТА ДАЛАЛАРИДА ҒАЙРАТГА-ҒАЙРАТ ҚУШИБ ИШЛАШ ЛОЗИМ.

ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ, ҲАР БИР РАҲБАР, ҲАР БИР КОЛХОЗЧИНИНГ, СОВХОЗ ВА МТС ЛАРДАГИ ҲАР БИР ИШЧИНИНГ — ПАХТА ТЕРИМИГА АЛОҚАДОР БЎЛГАН ҲАР БИР КИШИНИНГ РОЛИ ВА МАСЪУЛИЯТИ ШУ КУНЛАРДА ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ ЮҚОРИРОҚ БЎЛМОҒИ КЕРАК.

ШУ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, РЕСПУБЛИКА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СИЗГА, ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР, МУРОЖААТ ҚИЛИБ, БУТУН КУЧИНГИЗНИ, БОР ҒАЙРАТИНГИЗНИ ДАЛАЛАРДА ЗЎР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ИШЛАШГА ЧАҚИРАДИЛАР.

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиумининг Мурожаатидан).

Корхоналарни қишки мавсумга пухта тайёрлайлик

Барча совет кишилари билан бир қаторда областимиз меҳнаткашлари ҳам Улуг Октябрнинг шонли 39 йиллигини зўр кўтаринки руҳ ва катта тантана билан нишонладилар. Социалистик саноат ва қишлоқ хўжалигининг ходимлари байрам олди социалистик мусобақасида қўлга киритилган ютуқларни ишлаб чиқаришда янада мустаҳкамлаш ва шу асосда олтинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақият билан бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ ҳаракати янги куч ва янги ғайрат билан тобора кенг қулоч ёймоқда.

Ёзнинг жазирама иссиқ кунлари ўтиб кетди. Олтин куз ҳам тамом бўлай деб қолди. Ёгингарчилик ва изғиринли совуқ кунлар — қиш ойлари яқинлашиб келаётир. Ёгингарчилик, шубҳасиз, корхоналаримизнинг унумли ишлаши учун қўшимча қийинчиликларни туғдиради. Бу қийинчиликларни ҳисобга олмасдан иложимиз йўқ. Ёгингарчилик кунларида ҳам худди ёз ойларидагидек юқори унум билан ишлашни таъминлаш учун корхоналарни қишки мавсумга ҳар тарафлама ва пухта тайёрлаш лозим. Шунга эришмоқ керакки, ҳар қандай обиҳаво шароитларида ҳам, ишлаб чиқариш графиги бузилмасин, давлат планлари маҳсулотнинг барча турлари бўйича доимо тўла ва ортиғи билан бажарилсин.

Бу йил областимиздаги корхоналар қиш мавсумига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш учун ўтган йилдагига қараганда анча кўп миқдорда маблағ, бинокорлик материаллари ва зарур ускуналар олдилар. Қишга тайёргарлик кўришни шу кеча-кундуздаги энг муҳим вазифалардан бири деб билган ва бу масалани ўз контроллигига олган партия ташкилотлари бу соҳада яхши натижаларга эришмоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинати партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Сергеева) фабрикаларда, складларда ва ётоқхоналарда қишга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги билан атрофлича танишиб чиқди ва бу масалани партия комитетининг кенгайтирилган мажлиси муҳокамасига қўйди. Муҳокама натижасида қишга тайёргарлик кўриш соҳасида жиддий камчиликлар борлиги очиб ташланди. Коммунистлар ана шу камчиликларни тугатиш ҳақида ўз таклифларини киритдилар. Партия комитети фабрикаларнинг хўжалик раҳбарларидан қишга тайёргарлик кўришни яқин кунлар ичида тугаллашни талаб қилди. Бу — ўз вақтида кўрилган чора эди. Ҳозир комбинатдаги кўпгина ишлаб чиқариш бинолари, ёрдамчи хўжаликлар ва ўй-жой бинолари ремонтдан чиқарилиб, қишга тахт қилиб қўйилди. Хомашё, ёқилғи ва бошқа материаллар запасини тўплаш қизғин давом этмоқда.

Корхоналарни қиш мавсумига тайёрлаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишдир. Афсуски, айрим хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари бундан кейин корхоналарнинг унумли ишлаши бевосита қишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ эканлигини ҳали ҳам тўла тушуниб етмаётирлар ва бу соҳада чидаб бўлмаслик даражада сусткашликка йўл қўймоқдалар. Ўзбекистон металлургия заводида, «Ўзбексельмаш» заводи ва Оҳангарондаги кўмир ҳавзаларида худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Бу корхоналарнинг раҳбарлари, кунлар исиб кетди, ёгингарчиликнинг бошланишига ҳали анча вақт бор, деган зарарли қайфиятга берилиб, ганимат кунларни қўлдан бой бермоқдалар.

Ўтган йилнинг қиш ойларида яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги сабабли «Ўзбексельмаш» заводининг кўпгина цехларида иш унуми 40-50 процент камайиб кетган эди.

Ўтган йили металлургия заводида қишга яхши тайёргарлик кўрилмаган эди. Шу сабабли кўпгина цехлардан ёгингарчилик кунларида чакка ўтди ва коллективнинг иш унумига катта салбий таъсир кўрсатди. Шунингдек, запасдаги хомашёнинг етарли бўлмаганлиги сабабли жиддий қийинчиликлар юз берган эди. Бироқ, завод раҳбарлари (директори Муҳамедов, бош инженери Трофимов, партия ташкилотининг секретари Сергеева Ўртоқлар) ўтган йилдаги ана шу аччиқ сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб олмадилар. Бу йил ҳам худди ўтган йилдагидек қишга тайёргарлик кўриш юзасидан белгиланган тадбирларнинг кўпчилиги шу кунгача қоғозда қолиб кетмоқда. Унинг бажарилиши билан ҳеч ким чинакамига шуғулланмаётир.

Корхона раҳбарлари ишлаб чиқариш биполари, складлар, иситиш системаларини ремонт қилиш, оҳак, шихта ва шунга ўхшаш хомашё запасларини тўплаш тадбирларини амалга оширишга эътиборлари йўқ. Ёгингарчилик кунларида ҳам худди ёз ойларидагидек юқори унум билан ишлашни таъминлаш учун корхоналарни қишки мавсумга ҳар тарафлама ва пухта тайёрлаш лозим. Шунга эришмоқ керакки, ҳар қандай обиҳаво шароитларида ҳам, ишлаб чиқариш графиги бузилмасин, давлат планлари маҳсулотнинг барча турлари бўйича доимо тўла ва ортиғи билан бажарилсин.

Бу йил областимиздаги корхоналар қиш мавсумига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш учун ўтган йилдагига қараганда анча кўп миқдорда маблағ, бинокорлик материаллари ва зарур ускуналар олдилар. Қишга тайёргарлик кўришни шу кеча-кундуздаги энг муҳим вазифалардан бири деб билган ва бу масалани ўз контроллигига олган партия ташкилотлари бу соҳада яхши натижаларга эришмоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинати партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Сергеева) фабрикаларда, складларда ва ётоқхоналарда қишга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги билан атрофлича танишиб чиқди ва бу масалани партия комитетининг кенгайтирилган мажлиси муҳокамасига қўйди. Муҳокама натижасида қишга тайёргарлик кўриш соҳасида жиддий камчиликлар борлиги очиб ташланди. Коммунистлар ана шу камчиликларни тугатиш ҳақида ўз таклифларини киритдилар. Партия комитети фабрикаларнинг хўжалик раҳбарларидан қишга тайёргарлик кўришни яқин кунлар ичида тугаллашни талаб қилди. Бу — ўз вақтида кўрилган чора эди. Ҳозир комбинатдаги кўпгина ишлаб чиқариш бинолари, ёрдамчи хўжаликлар ва ўй-жой бинолари ремонтдан чиқарилиб, қишга тахт қилиб қўйилди. Хомашё, ёқилғи ва бошқа материаллар запасини тўплаш қизғин давом этмоқда.

Корхоналарни қиш мавсумига тайёрлаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишдир. Афсуски, айрим хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари бундан кейин корхоналарнинг унумли ишлаши бевосита қишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ эканлигини ҳали ҳам тўла тушуниб етмаётирлар ва бу соҳада чидаб бўлмаслик даражада сусткашликка йўл қўймоқдалар. Ўзбекистон металлургия заводида, «Ўзбексельмаш» заводи ва Оҳангарондаги кўмир ҳавзаларида худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Бу корхоналарнинг раҳбарлари, кунлар исиб кетди, ёгингарчиликнинг бошланишига ҳали анча вақт бор, деган зарарли қайфиятга берилиб, ганимат кунларни қўлдан бой бермоқдалар.

Ўтган йилнинг қиш ойларида яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги сабабли «Ўзбексельмаш» заводининг кўпгина цехларида иш унуми 40-50 процент камайиб кетган эди.

Ўтган йили металлургия заводида қишга яхши тайёргарлик кўрилмаган эди. Шу сабабли кўпгина цехлардан ёгингарчилик кунларида чакка ўтди ва коллективнинг иш унумига катта салбий таъсир кўрсатди. Шунингдек, запасдаги хомашёнинг етарли бўлмаганлиги сабабли жиддий қийинчиликлар юз берган эди. Бироқ, завод раҳбарлари (директори Муҳамедов, бош инженери Трофимов, партия ташкилотининг секретари Сергеева Ўртоқлар) ўтган йилдаги ана шу аччиқ сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб олмадилар. Бу йил ҳам худди ўтган йилдагидек қишга тайёргарлик кўриш юзасидан белгиланган тадбирларнинг кўпчилиги шу кунгача қоғозда қолиб кетмоқда. Унинг бажарилиши билан ҳеч ким чинакамига шуғулланмаётир.

Корхона раҳбарлари ишлаб чиқариш биполари, складлар, иситиш системаларини ремонт қилиш, оҳак, шихта ва шунга ўхшаш хомашё запасларини тўплаш тадбирларини амалга оширишга эътиборлари йўқ. Ёгингарчилик кунларида ҳам худди ёз ойларидагидек юқори унум билан ишлашни таъминлаш учун корхоналарни қишки мавсумга ҳар тарафлама ва пухта тайёрлаш лозим. Шунга эришмоқ керакки, ҳар қандай обиҳаво шароитларида ҳам, ишлаб чиқариш графиги бузилмасин, давлат планлари маҳсулотнинг барча турлари бўйича доимо тўла ва ортиғи билан бажарилсин.

Бу йил областимиздаги корхоналар қиш мавсумига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш учун ўтган йилдагига қараганда анча кўп миқдорда маблағ, бинокорлик материаллари ва зарур ускуналар олдилар. Қишга тайёргарлик кўришни шу кеча-кундуздаги энг муҳим вазифалардан бири деб билган ва бу масалани ўз контроллигига олган партия ташкилотлари бу соҳада яхши натижаларга эришмоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинати партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Сергеева) фабрикаларда, складларда ва ётоқхоналарда қишга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги билан атрофлича танишиб чиқди ва бу масалани партия комитетининг кенгайтирилган мажлиси муҳокамасига қўйди. Муҳокама натижасида қишга тайёргарлик кўриш соҳасида жиддий камчиликлар борлиги очиб ташланди. Коммунистлар ана шу камчиликларни тугатиш ҳақида ўз таклифларини киритдилар. Партия комитети фабрикаларнинг хўжалик раҳбарларидан қишга тайёргарлик кўришни яқин кунлар ичида тугаллашни талаб қилди. Бу — ўз вақтида кўрилган чора эди. Ҳозир комбинатдаги кўпгина ишлаб чиқариш бинолари, ёрдамчи хўжаликлар ва ўй-жой бинолари ремонтдан чиқарилиб, қишга тахт қилиб қўйилди. Хомашё, ёқилғи ва бошқа материаллар запасини тўплаш қизғин давом этмоқда.

Корхоналарни қиш мавсумига тайёрлаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишдир. Афсуски, айрим хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари бундан кейин корхоналарнинг унумли ишлаши бевосита қишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ эканлигини ҳали ҳам тўла тушуниб етмаётирлар ва бу соҳада чидаб бўлмаслик даражада сусткашликка йўл қўймоқдалар. Ўзбекистон металлургия заводида, «Ўзбексельмаш» заводи ва Оҳангарондаги кўмир ҳавзаларида худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Бу корхоналарнинг раҳбарлари, кунлар исиб кетди, ёгингарчиликнинг бошланишига ҳали анча вақт бор, деган зарарли қайфиятга берилиб, ганимат кунларни қўлдан бой бермоқдалар.

Ўтган йилнинг қиш ойларида яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги сабабли «Ўзбексельмаш» заводининг кўпгина цехларида иш унуми 40-50 процент камайиб кетган эди.

Ўтган йили металлургия заводида қишга яхши тайёргарлик кўрилмаган эди. Шу сабабли кўпгина цехлардан ёгингарчилик кунларида чакка ўтди ва коллективнинг иш унумига катта салбий таъсир кўрсатди. Шу-

Буюк Британия Коммунистик партиясининг бир группа арбоблари КПСС Марказий Комитетида қабул қилинди

9 ноябрда КПСС Марказий Комитетида Буюк Британия Коммунистик партияси Ижроия Комитети Сиёсий комитетининг аъзоси, «Дейли уоркер» газетасининг редактори Д. Р. Кэмпбелл бошчилигида Москвага келган партия арбоблари группаси билан суҳбат бўлди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. А. Суслов, П. Н. Поспелов ва КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Б. Н. Пономарев қатнашдилар.

Дўстона, самимий вазиятда ўтган суҳбатда инглиз ўртоқларни қизиқтирган масалалар муҳокама қилинди. (ТАСС).

Москва ёшларининг 1956 йил 8 ноябрдаги митингида
ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Ўртоқлар! Партия ва ҳукуматнинг чақириғига қизғин равишда амал қилиб, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда актив қатнашган сиз ёшларни, Москва комсомолларини, барча совет ватанпарвар йигитларини ва қизларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг топшириғи билан табриклашга ижозат берингиз. Бу ватанпарвар ёшлар шу ерда ҳозир бўлмасалар ҳам, лекин биз уларни қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасидаги мураккаб ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажарганликлари билан қизғин қутлаймиз. Сиз комсомолларни, совет йигитлари ва қизларини юксак мукофот — Ленин ордени билан қутлашга ва сизларга янги муваффақиятлар тилашга ижозат берингиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

СССР Олий Совети Президиумининг Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг чақириқларига жавобан ҳамиша қизғин иш қилиб келган комсомоллар ва совет ёшларининг социалистик қурилишдаги катта хизматлари тақдирлаб ўтилган ва комсомолларнинг, совет йигитлари ва қизларининг қўриқ ва бўз ерларни муваффақият билан ўзлаштиришдаги фидокорона ва самарали меҳнати алоҳида тақдирлаб ўтилган. Партия ва ҳукумат комсомол бундан буён ҳам мана шундай чақириқларга жавобан қизғин иш қилади, деб кўз тутади ва ишонади. **(Гулдурос қарсаклар).**

Мамлакатимизнинг ишчилар синфи улуг Ленининг, Ленин партиясининг раҳбарлиги остида эксплуататорлар ҳокимиятини ағдариб ташлаб тор-мор келтирганлиги, жаҳонда биринчи ишчи-деҳқон давлатини барпо қилганлиги, биринчи даражали саноат вужудга келтирганлиги, ўзининг қудратли армиясини вужудга келтирганлиги, мамлакатимизда фан ва маданиятни юксак даражага кўтарганлиги, ўзининг техника интеллигенциясини вужудга келтирганлиги билан фахрланамиз. Совет халқи ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиб олиб, тарихан қисқа муддат ичида социализм қурди. Совет халқи ўзи эришган ғойилкларнинг ҳаммасини ўз қўли билан яратди. Совет Иттифоқининг муваффақиятлари бутун дунёни ҳайратда қолдирмоқда — дўстлар бу муваффақиятларимизни кўриб қувонмоқдалар ва бу муваффақиятларни қизғин табриклямоқдалар, душманларимиз эса бу муваффақиятларни кўриб ўлгудек ғазабланмоқдалар.

Совет халқи қишлоқ хўжалигини юксалтириш ишида ҳам кейинги йилларда катта муваффақиятларга эришди.

Шу вақт ичида қилинган ишларни кўрсатувчи рақамларга қарасангиз халқимизнинг, қаҳрамон ишчилар синфимизнинг, шонли меҳнаткаш деҳқонларимизнинг, совет интеллигенциясининг, партиямизнинг, қурилишимизда бўлган ҳал қилувчи участкалардаги умумхалқ курашида партиямиз раҳбарлиги остида актив қатнашган ва қатнашаётган комсомолларимизнинг эришган муваффақиятларини кўриб жон-дилимиз билан қувонамиз ва фахрланамиз.

Ўртоқлар! Бундан уч йил муқаддам партия қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлида қатъий тадбирлар кўрди. Партия совет халқининг кучини ғалла проблемасини ҳал этишга, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга сафарбар қилди, бу эса ўзининг ажойиб натижаларини берди. Бу ерда Кўкчатов областидан келган тракторчи Ўртоқ Симакова сўзга чиқди. У, қўриқ ерлар тўғрисида, совет ёшларининг қаҳрамонлиги тўғрисида яхши қиқоя қилиб берди. Лекин бизда қаҳрамонлар билан бирга қоп-қопчиғини орқалаб қўриқ ерлардан уйига қочиб келган дезертирлар ҳам бўлди. Улар ҳам қўриқ ерлар тўғрисида гапириб бергандирлар, лекин улар бошқача гапни айтган бўлсалар керак. Улар қийинчиликлардан қўрқдилар.

Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган турли районларга мен икки марта бориб келдим. Бу ерлар мисли кўрилмаган, поёни йўқ, жуда бой ўлкадир. Ўша ерларда 1954 йилда какра ўтлар босиб ётган яланг даштларни кўрган бўлсак, бу йил ўша ерлар яхлит ва бепоён буғдойзорларга айланиб кетди. Баъзи кунлари биз шу буғдойзорлар бўйлаб соатлаб йўл юрган бўлсак ҳам, фақат битта район чегарасидан чиқа олганимиз йўқ. Худди денгизда қайиққа тушган сингари юраверасан-юраверасан, теварак-атрофинг эса нуқул буғдойзордан иборат, буғдой бўлганда ҳам қанақа яхши буғдой денг-а, ўртоқлар!

Кунларнинг бирида мен Олмаотадан туриб Анастас Иванович Микоян билан гаплашдим. Биз мамлакатимизни ғалла билан таъминлашда қандай катта имкониятларимиз борлиги тўғрисида у билан фикрлашдик. Мен унга, Қозоғистон бу йил бир миллиард пуд ғалла беради, деб айтган эдим, у менга ҳеч бир жавоб бермади. Мен унга:

— Нега индамаяпсан? — дедим.

У жавоб бериб айтдики:

— Мен баҳслашиб ўтирмайман, лекин бир миллиард ғалла олиниши-га ишончим ишонмайман. Эҳтимолки, пландаги 650 миллион ўрнига 750 миллион пуд ғалла олинар, аммо миллиард пуд ғалла чиқармикин?

Анастас Иванович, шу гапинг эсингдами? Сен шундай деган эдинг-а? **(Залда кулги).**

— Ҳа, айтган эдим.

— Хўш, Қозоғистон нима деди?

— Қозоғистон сўзининг устидан чиқди.

— Бир миллиард бердими?

— Ҳа, бир миллиард берди!

Бу шуни кўрсатадики, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш масаласини кўтариб чиққан раҳбарларимизнинг ҳатто баъзилари ҳам шундай ажойиб натижалар қўлга киришини, айниқса илгари ғаллани кам етиштирган Қозоғистоннинг шундай ажойиб натижалар беришини кутмаган эдилар. Анастас Ивановичнинг ўша вақтда мана шундай тааччублангалигининг сабаби ҳам шудир.

Қозоғистондаги ёлғиз Кустанай областининг ўзидагина 280 миллион пуд ғалла тайёрланди! Бунинг қанақа куч эканлигини энди яққол кўриб турибсиз, Қозоғистон республикаси мамлакатга бир миллиард пуд дон берди! Россия Федерациясининг областлари ва ўлкалари давлатга икки миллиард пуд ғалла топширдилар, бу ғалланинг анчагина қисми қўриқ ерлар ўзлаштирилаётган районлардан олинди. **(Давомли қарсаклар).**

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш масаласи кўтарилганида буржуа матбуоти захарханда мақолаларни жуда кўп босиб чиқарди. Кўп газеталар Совет Иттифоқида қишлоқ хўжалиги кризисга учраб қолди, бу иш барбод бўлади, совет кишилари бунақа одамсиз бепоён ерларни ўзлаштиришни уддалай олмайдилар, деб шум қарғалардек қағиллаган эдилар. Совуқ ҳам ўша районда, жазирама иссиқ ҳам ўша районларда, деб бақирган эдилар. Бизни ўлгидек масхара қилган эдилар.

Лекин русларнинг яхши бир мақоли бор: Энг кейин кулган кишининг кулгиси чинакам кулги бўлади, дейилади шу мақолда! Совет халқи қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун бошланган улуг жангда ютиб чиқди. Яқиндагина бизни масхара қилиб турган кишилардан энди биз ўзимиз кулмоқдамиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ғалла проблемасининг ҳал этилиши қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга боғлиқдир. Бизнинг мамлакатимизда шу дамгача 35,5 миллион гектар янги ер ўзлаштирилди. Яқин икки йил ичида қўшимча равишда яна камида 5 миллион гектар ер ўзлаштирилади, деб ўйлайман. Бу ерлар қўшимча техника ажратиш йўли билан эмас, балки МТС ва совхозлардаги ходимларнинг малакасини ошириш, машиналардан энг яхши фойдаланиш йўли билан ўзлаштирилиши мумкин.

Қўриқ ерлар ўзлаштирилганлиги туфайли мамлакатимизда дон етиштириш кескин равишда кўпайди. 5 ноябргача бутун мамлакатда 3 миллиард 281 миллион пуд дон тайёрланди, бошқа маҳсулотлар билан олмаштиришни ва шу сингиларни ҳисобга олинганда эса, 3 миллиард 463 миллион пуд ғалла тайёрланди. Бу эса, энг серҳосил йиллардагига қараганда бир миллиард пуддан зиёдроқ ғалла тайёрланганлигини кўрсатади. Мамлакат аҳолисини таъминламоқ учун тахминан 2 миллиард пуд ғалла керак бўлади. Эндиликда биз совет халқининг фаровонлигини юксалтирмоқ учун, мамлакатимизни бундан буён ҳам янада барқ уриб ривожлантирмоқ учун, мамлакатимизни мустаҳкамламоқ ва яшнатмоқ учун, ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенциянинг талабларини яхшироқ таъминламоқ учун ҳаётий зарур бўлган кўпгина масалаларни яхши ҳал қилиш имкониятига эга бўлиб қолдик.

Сўнгра Н. С. Хрушчев дедики, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги катта муваффақиятлар фақат бизнинг мамлакатимиз учунгина эмас, шу билан бирга қардош социалистик мамлакатлар учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Халқ демократияси мамлакатларининг баъзилари ҳар йил четдан ғалла оладилар, чунки уларнинг ўзлари етиштираётган ғалла халқнинг эҳтиёжини тўла қоплямайди.

Дон етиштиришни кўпайтирганлигимиз туфайли эндиликда биз ўзимизга дўст мамлакатларга анча катта ёрдам кўрсата оламиз. Социалистик ўзаро ёрдамлашиш деб ана шуни айтадилар.

Шундай қилиб, биз бу йил аҳолимизнинг эҳтиёжларини таъминлаб ва дўст мамлакатларга зарур ёрдам берибгина қолмасдан, шу билан бирга кўп миқдордаги ғаллани давлат омборларига резерв қилиб тўкиб қўя оламиз. **(Қарсаклар).** Модомики, омборларимизда ғалла мўл бўлар экан, дўстлар билан суҳбатлашиш ҳам енгил бўлади, душманлар билан ҳам баҳслашиш мумкин бўлиб қолади. **(Давомли қарсаклар).** Кўп иш қилинди, Ўртоқлар, лекин мақтаниш бизга тўғри келмайди.

Қишлоқ меҳнаткашлари чорвачиликни юксалтириш соҳасида ҳам яхши ишладилар. Чорва молларнинг маҳсулдорлиги жуда кўпайди. Колхозларда соғиб олинаётган сутнинг ялпи миқдори бу йил ўтган хўжалик йилидагига нисбатан 32 процент кўпайди, 1952-53 йилдагига нисбатан 94 процент кўпайди. Мамлакатда мол ёғи ишлаб чиқариш шу йилнинг 10 ойи ичида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 23 процент, 1953 йилнинг шу давридагига нисбатан эса 46 процент кўпайди. Натижада аҳолига сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари сотиш анча кўпайди. Совет кишиларининг ҳаммаси буни кўриб хурсанд бўлмоқдалар. Шаҳарларимиздаги меҳнаткашлар учун сут етишмайдиган ва асло нормал бўлмаган аҳвол ўтмишда қолиб кетмоқда. Партия ва ҳукумат бу камчиликни узил-кесил тугатиш чораларини кўрдилар. Эндиликда Москвада ва мамлакатнинг бошқа кўпгина шаҳарларида янги соғилган сутни дўконлардан ҳамма вақт сотиб олиш мумкин. Шаҳарларимиз картошка ва карам билан яхшироқ таъминланадиган бўлиб қолди. Сабзавот тайёрлаш кўпайди. Эндиликда сабзавотни яхши асраш керак. Аҳолига баъзан сифатсиз карам ва бошқа сабзавотларни сотиш сингари асло нормал бўлмаган бемаъниликни тугатиш керак. Савдо ташкилотларининг ходимлари яхшироқ ишлашлари, савдо-сотиқни яхши йўлга қўйиш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг омборларда чириб қолмасдан, ҳамиша яп-янги қилиб яхши сақлашни ўрганишлари лозим.

Мамлакат аҳолисини сут, гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш келгуси йилда тағин ҳам яхшиланади. Биз бунга аминмиз, Ўртоқлар.

Эндиликда давлат магазинларидагина эмас, бозорларда ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайиб кетди. Маълумки, аҳоли озиқ-овқат маҳсулотларининг анчагина қисмини магазинлардан эмас, балки бозордан сотиб олар эди. Эндиликда бир қанча шаҳарларда баъзи озиқ-овқат давлат магазинларидаги нархларга тенглашиб қолганлиги, кўпинча эса ҳатто магазинлардаги нархлардан ҳам арзон бўлиб қолганлиги сабабли ишчи ва хизматчилар бундан катта манфаат кўрмоқдалар. Марказий Статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, колхоз бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархлари 1956 йилнинг 9 ойи мобайнида ўтган йилдагига нисбатан анча камайди: ғалла маҳсулотларининг нархи 14 процент, сабзавотнинг нархи 19 процент, янги соғилган сутнинг нархи 21 процент, мол ёғининг нархи 28 процент пасайди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, бир қанча озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати кўпинча магазинлардагига қараганда, бозорда яхшироқ бўлади. Магазинларимизда ҳам озиқ-овқат маҳсулотининг сифати яхши бўлишига эришмоқ керак.

Шу нарса шак-шубҳасиздирки, Ўртоқлар, XX съезд томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида қўйилган вазифалар тўлиқ бажарилади ва ошириб бажарилади. Албатта, шундай қилинади, Ўртоқлар. **(Қарсаклар).**

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари учун қуйидагилар область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

№№	Звено, бригада ва совхозларнинг бўлимлари	Звено, бригада ва бўлим бошлиқларининг исми, фамилияси	Социалистик мажбуриятнинг бажарилиши (гектаридан центнер ҳисобида)	Қўшимча олган мажбуриятга
	ЎРТАСАРОЙ РАЙОНИ			
1.	«Полярная звезда» колхозининг бригадаси	**Боятов** Гулом	32,31	1
2.	«Полярная звезда» колхозининг бригадаси	**Ким** София	36,00	1
3.	Жданов номли колхознинг бригадаси	**Минмузиев** Собир	25,5	5
	ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК РАЙОНИ			
1.	«Победа» колхозининг бригадаси	**Бозоров** Турғун	27,9	9
2.	«Победа» колхозининг бригадаси	**Рўзимбоев** Дадажон	32	9,5
3	М. Горький номли колхознинг бригадаси	**Ҳўжамқулов** Араб	32	8,5
4.	М. Горький номли колхознинг бригадаси	**Тўхтамишев** Хамрабой	27	9,25
5.	М. Горький номли колхознинг бригадаси	**Қодиров** Ниёз	29	6,4
	ЧИНОЗ РАЙОНИ			
1.	Будённий номли колхознинг бригадаси	**Қўчқоров** Жўра	28	7
	ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ			
1.	Киров номли колхознинг звеноси	**Эшонқулов** Йўлдош	42,2	5
2.	Киров номли колхознинг звеноси	**Қаюмов** Жўрабой	38,5	2,5
3.	Киров номли колхознинг звеноси	**Абилов** Абдужалил	40,5	1,5
4.	Киров номли колхознинг звеноси	**Мирзаев** Саъди	40,2	5
5.	Киров номли колхознинг звеноси	**Азаматова** Собура	39,4	4

Илғорлар рапорт бермоқдалар

Областимизда энг йирик колхозлардан бири ҳисобланган Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзолари (раиси Ўртоқ А. Матқобилов) социалистик мажбуриятни бажариб, Улуг Октябрь байрамини муносиб равишда кутиб олдилар. Колхозда ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил олинди. Ватанпарвар колхозчилар далдаги ҳосилни батамом йиғиб олиб, давлатга ҳар гектар ердан яна 3 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олдилар.

Гулистон районидаги Молотов номли колхоз (раиси Ўртоқ С. Назаров) аъзолари ҳам бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар 1235 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ҳозиргача давлатга 30,3 центнердан ҳосил топшириб ўз социалистик мажбуриятларини бажардилар. Бундай катта юқкка эришган колхоз пахтакорлари қолган ҳосилни ҳам битта қўймай йиғиб олиб, ҳар гектаридан давлатга яна 2,4 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар.

Мирзачўл районидаги Ўртоқ Содиқов раислик қилаётган «Коммуна» колхозининг аъзолари ҳам мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Колхоз бўйича ҳар гектар ердан 36 центнердан пахта топширилди.

Мирзачўл районидаги Сталин номли, Куйбишев номли, Жданов номли, Будённий номли, Каганович номли ва «Ленинизм» колхозлари ҳам давлатга пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятларини бажардилар. Бу колхозларнинг аъзолари ҳам ўз имкониятларини ҳисобга олиб давлатга қўшимча равишда пахта топшириш учун курашмоқдалар.

Шунингдек Юқори Чирчиқ районидаги Сталин номли, «Ленинизм», «Париж коммунаси», «III интернационал», Жамбул номли, Оққўрғон районидаги «Сталинчи», Чиноз районидаги Шверник номли, Гулистон районидаги Андреев номли, Бекобод районидаги Маленков номли ва Боёвут районидаги Каганович номли колхозлар ҳам олинган социалистик мажбуриятларини адо этдилар. Ҳозир социалистик мажбуриятини бажарган барча колхозлар давлатга қўшимча равишда яна пахта топширмоқдалар.

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1956 йил 10 ноябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Бўстонлиқ	0,44	106,92	Гулистон	0,38	92,94
Оржоникидзе	0,58	104,07	Оҳангарон	0,23	88,70
Юқори Чирчиқ	0,35	103,60	Қуйи Чирчиқ	0,25	87,41
Пискент	0,47	103,03	Калинин	0,49	87,23
Ўртасарой	0,09	100,77	Чиноз	0,34	86,48
Сирдарё	0,37

Москва ёшларининг 1956 йил 8 ноябрдаги митингида

ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Агар биз яхшигина ғайрат билан ишласак, куч ва имкониятларимиздан тўғри фойдаласак, колхозларга, МТСларга ва совхозларга раҳбарликни яхшиласак, қишлоқ хўжалик соҳасида партия томонидан қўйилган бу вазифани муддатидан олдин бажара оламиз. Лекин бу соҳада обдон ишлаш керак. Ўртоқлар, яхшилаб ишлаш керак. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайтирилиши натижасида биз шу маҳсулотларни истеъмол қилишни ҳам тобора кенгайтириш имкониятига эга бўламиз. Бунинг учун нархларни камайтириш йўлидан бормоқ керак, токи аҳоли бу маҳсулотларни тобора кўпроқ истеъмол қиладиган бўлсин.

Шундай қилиб, халқ фаровонлигини янада юксалтириш ва коммунистик жамиятга томон боришимизни тезлаштириш масаласида бизнинг олдимизда жуда катта перспективалар ва имкониятлар очилмоқда. Одамлар яхши овқатланадиган бўлишлари, уларнинг яхши квартираси, кийим-боши бўлиши, ўқиш имкониятига эга бўлишлари, ўзларининг маданий эҳтиёжларини тўла таъминлайдиган бўлишлари лозим. Халқ фаровонлигини янада юксалтирмоқ учун курош партиямизнинг мақсадидир. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар! Биз кўп заводлар қурдик ва кўпгина янги заводлар қурмоқдамиз. Партия XX съезди Сибирь районларида саноатни ривожлантириш ишида олдимизга катта вазифа қўйди. Халқимиз эндиликда Сибирь деган сўзни эшитганида фахрланадиган бўлиб қолди. Сибирдаги бойликларнинг сони-саноғи йўқ, лекин ўзлаштирилмаган районлар ҳали ҳам кўп. Комсомоллар Сибирга боришлари, унинг энг бой районларини ўзлаштириш ишига, шу районларда заводлар ва фабрикалар, қудратли электростанциялар қуришга ўзларининг битмас-туганмас ғайратларини сарфлашлари керак.

Мамлакатимизда маҳсулотларни мўл-кўл қилиб етиштиришни тезлаштирмоқ учун ёшлар ва барча совет кишилари билимларни, малакаларни чуқурроқ эгаллаб олишлари, меҳнат унумдорлигини тинмай оширишлари, материалларни, электр қувватини тежаб сарфламоқ учун, маҳсулот таннархини камайтирмоқ учун зўр бериб курашишлари, мамлакатга, халқимизга кўпроқ бойлик яратиб бермоқ учун ҳамма нарсани тежаб-тергашга ўрганишлари лозим. Булар шундай муҳим вазифаларки, Ўртоқлар, биз бу вазифаларни ҳал қилмоқ учун ҳамиша зўр ғайрат билан курашмоғимиз лозим. Сўзимни тамомлаб, Ўртоқлар, сиз комсомолларга, барча совет ёшларига партия Марказий Комитетининг ташаккурини яна бир марта изҳор қиламан ва Ленин комсомоли ўз байроғини тағин ҳам юқори кўтарсин, деб, партиямиз XX съезди кўрсатиб берган йўлдан мустаҳкам қадам ташлаб ишонч билан олга борсин деб истак билдираман. **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз социалистик давлатимизнинг қудратини тинмай мустаҳкамлашимиз, қаҳрамон Совет Армиямизнинг қувватини мустаҳкамлашимиз керак. Сизларга маълумки, яқинда империалистлар Мисрга босқинчилик билан ҳужум қилдилар. Эрқсевар миср халқига ҳужум қилган империалист йиртқичларга совет халқи, бутун прогрессив инсоният лаънат ўқиди.

Совет халқининг Мисрни ҳимоя қилган овози, аввало, Совет Иттифоқининг қудрати туфайли, бутун совет халқи партиямиз ва Совет ҳукуматининг сиёсатини яқдил бўлиб қувватлаётганлиги туфайли, Совет Иттифоқининг барча социалистик мамлакатлар билан бузилмас дўстлиги туфайли бутун дунёда эшитилди. Биз Миср халқини ўз мустақиллиги учун олиб бораётган адолатли курашида қўллаб-қувватлашимиз, агрессорларнинг қўшинларини Мисрдан чиқартириб юборишга эришмоғимиз лозим. Суэйш каналига эга бўлиш Миср давлатининг ҳақидир, Миср давлати Суэйш каналида манфаатдор барча мамлакатларнинг кемалари бемалол қатновини таъминлаб келди ва уни тиклаб олганидан кейин ҳам таъминлайди. Келгиндилар Миср ердан чиқиб кетишлари учун, Миср халқининг хўжалигига зарар етказган ва Миср халқини катта қурбонлар беришга мажбур қилган уруш айбдорлари қаттиқ жазоланмоғи учун, агрессор бундан буён ҳужум қилишга асло журъат қилолмайдиган бўлиши учун Мисрни қўллаб-қувватлаш йўлидаги куч ва ғайратимизни бўшаштирмаслигимиз керак. **(Қарсаклар).**

Н. С. Хрушчев Венгриядаги кейинги воқиаларга қисқача тўхталиб, Венгриядаги социалистик кучларнинг контрреволюция кирдикорларига қарши олиб бораётган кураши жуда катта сиёсий аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтди. Венгрияда контрреволюциянинг тор-мор қилинганлигини барча социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун дунёдаги прогрессив кишилар қизғин равишда табриклямоқдалар. Маълумки, социализм душманлари халқ-демократик тузумнинг асосига путур етказишга уриниб, ёшларга алоҳида умид боғлаган эдилар, уларни сохта шиорлар билан алдашга, тўғри йўлдан тойдиришга ҳаракат қилган эдилар. Шу сабабли, хушёрликни тинмай ошириш, ёшларни тўғри тарбиялашга кўпроқ эътибор бериш керак.

Ташкилий ишларни яхшилаш керак, — дейди Н. С. Хрушчев, — танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдириш, демократия принципларига изчиллик билан риоя қилиш керак. Ёшлар орасида тарбиявий ишларни яхшилаш билан бирга, хато фикрларни тўғрилаш ва соғлом бўлмаган ҳодисаларга зарба бериш керак.

Ўртоқ Хрушчев яқинда Руминиядаги ўртоқлар ёшларнинг айрим группаларига баъзи масалаларда адашганликларини тушунтириб берганликлари, шу билан бирга ёшларнинг ўз халқи олдидаги юксак масъулиятини эслатиб ўтганликлари ҳақида гапириб ўтди.

Руминиядаги ўртоқлар ўқув юртларидан биридаги ўқувчи ёшлар орасида соғлом бўлмаган баъзи кайфиятлар пайдо бўлганлигини кўриб, мана шундай ўқувчилар билан ҳам, улардан баъзиларининг ота-оналари билан ҳам ошкора гаплашишга қарор қилдилар. Суҳбат вақтида уларнинг олдига шундай саволларни қўйдилар:

— Сизлар институтда ўқиётганингиз учун стипендия олаяпсизми?

— Ҳа, — деб жавоб беришди ўша ўқувчилар.

— Сизларнинг ётоқхонангиз ва яхши профессорларингиз борми?

— Бор, — дейишди ўқувчилар.

— Ўқишни хоҳлайсизми? — деб савол берилди.

— Хоҳлаймиз, — деб жавоб беришди ўқувчилар.

— Демак, яхшироқ ўқингиз, турмушни чуқурроқ билингиз. Агар баъзи бир ўқувчилар яхши ўқишни хоҳламаса, ишга кириб ишлайверсин, ана ўшанда улар меҳнаткаш халқнинг турмушини чуқурроқ биладиган бўлиб қолурлар.

Бу ошкора суҳбат ёшлар учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди.

Бошқа бир жойда ишчилар ўқувчилар билан суҳбатлашмоқ учун ўқиш юртига бордилар. Ишчилар ўқувчиларга бундай дейишди:

— Бизлар ишлаяпмиз, сиалар бўлсангиз ўқияпсиз. Ҳозирча сизлар биз яратаётган нарсалар ҳисобига яшаяпсиз, модомики шундай экан, яхшироқ ўқишларингиз керак. Агар сизларга бизнинг ўз қонимизни тўкиб, ўз меҳнатимиз билан қўлга кириткан тартибларимиз ёқмаса, ишга кириб ишлайверингиз, сизларнинг ўрнингизга бошқалар келиб ўқийди. Бу ўртоқлар тўғри қилишяпти. Менингча, тўғри қилишган. **(Давомли қарсаклар).**

Сўнгра ўртоқ Хрушчев совет ёшлари орасида тарбиявий ишларни кучайтириш вазифалари тўғрисида гапирди. Ўқувчи ёшларимиз, — деди у, — турмушга яқин бўлишлари керак. Олий мактабларга ёшларнинг ҳақиқатан ҳам энг яхши, энг илғор қисми қабул қилинмоғи керак. Олий ўқув юртларига қабул қилиш практикасида бизнинг камчиликларимиз ҳали оз эмас, кўпинча ҳатто олтин медаллар ҳам ютқазилиб тўғри берилмайди, баъзан мактабларда баҳоларнинг атайин ошириб юборишига йўл қўйилади. Олий мактабга қабул қилиш тартибини яхшиламоқ керак, шундай қилиш керакки, олий ўқув юртларига ҳақиқатан ҳам энг яхшиларнинг яхшилари қабул қилинадиган бўлсин. Ленин ишига, халқ ишига содиқ кишилар қабул қилинадиган бўлсин. Ишлаб чиқаришда ишлаётган, заводларда, фабрикаларда, қурилишларда, колхозларда, МТСларда ва совхозларда ишлаётган ёшлардан олий ўқув юртларига кўпроқ қабул қилиш зарур.

Ўртоқлар! Давлатимиз тағин ҳам бақувват бўлиши учун, бизнинг совет халқимиз тағин ҳам яхшироқ, маъмурчиликда яшамоғи учун, мамлакатимиз душманлар оёқ босолмайдиган қалъа бўлиб қолиши, дўстларга, бутун дунё ишчиларига, деҳқонларига ва меҳнаткаш интеллигенциясига маҳзал, ўрнак бўлиши учун биз тобора яхшироқ ишлашимиз керак.

Ишчилар синфи, меҳнаткаш халқ ҳокимиятни ўз қўлига олганида, унинг ижодий кучлари, ғайрати кенг авж олади, фан, маданият юксалади. Буни давлатимизнинг тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Совет Ватанимиз бундан буён ҳам коммунизм сари ўз йўли билан тобора олга томон дадил ва қатъий қадам ташлаб тобора олга ва олга боришини таъминламоқ учун ҳормай-толмай ишлайлик, Ўртоқлар. Сиз, комсомоллар, ёшлар эса бу ишда ташаббусчи бўлишларингиз керак. **(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

КЎНГИЛ ГУЛИ

Сарин ёз оқшоми,
сиҳрли оқшом,
Тераклар учида қуёш сиғраси.
Кўнгилни қитиқлаб, бахш этиб
ором,
Янграр Чайковский симфонияси.

О, нақадар гаштли, нақадар
гўзал
Салқин оқшом чоғи боғда сайр
этмоқ.
Булбул ўқиганда гулзорда ғазал,
Номозшомгул кулган чоғда сайр
этмоқ.

Боғ ичра Феруза кезади хушҳол,
Юзида нур кабн ўйнар табассум.
Чирмовиқдай чирмаб олдими
ҳаёл,
Қизил гулга боқиб қолди у бир
зум.

Туради гўёки парвойи палак,
Хаёл чаманида сайр этиб ҳамон.
Нозик елкасига қўниб капалак
Яна парвоз этди гулзорга тамон.

Феруза оҳиста кўзғалиб шу чоқ,
Гулзорни шавқ билан оралаб
кетди.
Тўққизил, новватранг, пушти,
нимранг, оқ
Гуллардан завқ билан саралаб
кетди.

Ана у, қучоғи тўла гулдаста,
Қуш сингари енгил сезади ўзин.
Гулзордан чиқаркан, аланглаб,
аста —
Атрофга тикади сиҳрли кўзин...

Оқшом шабадаси елпиниб
мудом,
Думоққа анқитар гуллар исини.
Билмадим,
кимга у қиларкин инъом
Меҳр-ла ясаган гулдастасини.

Мавлон ИКРОМ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР давлат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

К. МАРКС. — **«Франсияда синфий кураш».** (1848 йилдан 1850 йилгача). 160 бет, тиражи 20.000, баҳоси 3 сўм 55 тийин.

К. МАРКС. — **«Луи Бонапартнинг ўнсаккизинчи брюмери».** 136 бет, тиражи 20.000, баҳоси 1 сўм 75 тийин.

Н. А. БУЛГАНИН. — **«Давлат пенсиялари тўғрисида қонун».** (Тўртинчи чақириқ СССР Олий Советининг бешинчи сессиясида қилинган доклад, 1956 йил, 11 июль). 78 бет, тиражи 25.000, баҳоси 95 тийин.

А. БЕЗИМЕНСКИЙ. — **«Комсомолнинг дастлабки съездларида».** (Делегатнинг хотиралари), 54 бет, тиражи 20.000, баҳоси 55 тийин.

Вахтанг АНАНЯН. — **«Севан бўйларида».** (Ёш натуралистлар ҳаётидан повесть), 360 бет, тиражи 30.000, баҳоси 6 сўм 75 тийин.

Қуддус МУҲАММАДИЙ. — **«Тугмача».** (Кичик ёшдаги болалар учун), 8 бет, тиражи 75.000, баҳоси 70 тийин.

Г. И. СОКОЛОВ. — **«Шоликорлик ишларини машиналаштириш».** 22 бет, тиражи 5.000, баҳоси 35 тийин.

В. А. ГАРТМАН, А. Т. ГРЯЗЕВ, Г. А. КИРИЛОВ. — **«Пахта тайёрлаш пунктларида марказлаштирилган усулда пахта қуритиш ва тозалаш тажрибалари».** 40 бет, тиражи 2000, баҳоси 75 тийин.

ТАСС баёноти

ТАСС қуйидагиларни билдиришга ваколат қилинган:

Англия, Франция ва Исроил ҳукуматларининг Мисрга қарши уруш ҳаракатларини тўхтатганликлари билан Совет Иттифоқининг раҳбар доиралари қаноат ҳосил қилганликларини билдирмоқдалар. Мазкур давлатлар ҳукуматларининг бу қарори ниҳоят улар оқилона фикрга қулоқ солганликларини ва Мисрга қарши агрессияни қатъиян қоралаган халқларнинг талабларига кўнганликларини кўрсатади.

Бундан икки-уч кун илгариёқ Яқин Шарқдаги аҳвол шундай эдики, Мисрга қарши уруш ҳаракатлари бошқа районларга ҳам ёйилиши мумкин эди. Англия, Франция ва Исроилдаги муайян доираларнинг манфаатларинигина кўзда тутган калтабин сиёсат таҳликали аҳволни вужудга келтирди, бу аҳвол халқлар учун, умумий тинчлик учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин эди.

Совет Иттифоқининг раҳбар доиралари Мисрга қарши уруш ҳаракатлари тўхтатилганлигидан иборат ижобий фактни таъкидлаб ўтиш билан бир қаторда, Мисрга қарши агрессив урушни бошлаган доираларнинг бу қарорлари Мисрга ва Яқин Шарқдаги мамлакатларга қарши янада каттароқ миқёсда агрессив урушни тағин бошлаб юборишни мўлжаллаб, вақтдан утиш, яна кўпроқ куч тўплаш учун нафасни ростлаб олиш ниятидагина найранг эмасмикан деб хавфсирамоқдалар.

Бундай хавфсираш даставвал шу фактга асосланадики, Англия, Франция ва Исроил ҳукуматларининг урушни тўхтатиш тўғрисидаги баёнотларидан кейин ҳам инглиз ва француз қўшинлари Порт-Саидни жуда қаттиқ бомбардировка қилдилар ва бу районга яна десант туширдилар. Миср шаҳарларини ва аҳоли яшайдиган пунктларини ваҳшийларча бомбардировка қилишлар натижасида бўлган вайронгарчиликлар ва оғир моддий талафотлар, шунингдек кўплаб кишиларнинг қурбон бўлганликлари устига, яна вайронгарчиликлар бўлмоқда ва кишилар яна қурбон бўлмоқда. Бундан ташқари, Англия ва Франция ҳукуматларининг расмий баёнотларидан маълум бўлишича, улар ҳар хил баҳоналарни пеш қилиб, ҳозирги вақтда Миср территориясида турган ўз қўшинларини олиб кетишдан бош тортмоқдалар.

Мана шуларнинг ҳаммаси халқлардан сергак бўлишни ва агрессорларнинг ҳийла-найрангларини ҳушёрлик билан кузатиб боришни талаб қилади.

Совет Иттифоқи халқлари миср халқига қарши агрессив урушнинг гуноҳкорларини яқдиллик билан қораламоқдалар ва Мисрга қарши агрессияга хотима бериш ниятида Совет ҳукумати кўрсатаётган кескин чораларни тамомила қўллаб-қувватламоқдалар.

Совет ҳукуматининг позицияси СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганининг 5 ноябрда АҚШ Президенти Д. Эйзенхауэрга, Англия Бош министри А. Иденга, Франция Министрлар Совети Раиси Ги Моллега ва Исроил бош министри Бен Гурионга юборган мактубларида, шунингдек Совет Ҳукуматининг Хавфсизлик Кенгашига қилган мурожаатида баён қилинган бўлиб, Мисрга қарши агрессияга БМТ Бош Ассамблеяси Фавқулодда махсус сессиясининг қарорларига мувофиқ равишда ҳотима берилмаган тақдирда, Совет Иттифоқи мазкур мактубларда ва мурожаатда айтилган тадбирларни амалга оширишга қатъий қарор берган.

Совет халқи тинчликнинг тақдири ҳақида қаттиқ ташвишланмоқда ва Мисрда агрессорларга зарба берилмаган тақдирда ҳарбий можаронинг кенгайиб кетиши қандай оқибатларга олиб бориши мумкинлигини яхши тушунади. Совет халқи миср халқини қурол кучи билан яна мустамлакачилик асоратига солиш йўлидаги ҳарқандай ҳатти-ҳаракатларни қаттиқ қоралайди.

Совет гражданларининг, шу жумладан ҳозирги вақтда запасда бўлган кўпгина учувчилар, танкчилар, артиллеристларнинг, шунингдек Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган офицерларнинг агрессорларни Миср тупроғидан ҳайдаб чиқариш йўлида миср халқи билан биргалашиб курашиш учун кўнгиллилар сифатида Мисрга жўнашларига рухсат этишни илтимос қилиб, кўплаб берган аризалари совет кишиларининг миср халқига, шунингдек ўзларининг миллий мустақилликлари ва озодликлари учун курашаётган бошқа Шарқ халқларига бўлган оташин муҳаббатларининг ёрқин ифодасидир.

Совет Иттифоқи давлатларнинг ижтимоий тузумидан қатий назар, уларнинг дўст бўлишларига, ҳамкорлик қилишларига ва тинч-тотув яшашларига доимо тарафдор бўлиб келди ва тарафдор бўлиб қолмоқда. Бундай сиёсат Совет давлатининг асл табиатидан, уни барпо қилган улуғ Ленининг васиятларидан келиб чиқади. Аммо совет кишилари мустамлакачи давлатларнинг қайсибири бўлмасин, Шарқнинг мустақил бўлиб олган давлатларини қурол кучи билан қул қилишга уриниб, халқаро миқёсда босқинчилик қилганида, бу воқиаларнинг пассив томошабинлари бўлиб келган эмаслар ва пассив томошабинлари бўлиб қолмайдилар.

Шу билан бирга, жирканч мустамлакачилик зулмини улоқтириб ташлашга ва мустақилликка эга бўлишга интилаётган халқларга ҳам совет кишилари хайрихоҳдирлар. Шунинг учун ҳам совет кишилари Жазойирнинг қуролсиз халқига қарши олиб борилаётган мустамлакачилик урушини қораламоқдалар, Жазойирда бир неча йиллар мобайнида қон дарё бўлиб оқмоқда. Энг оддий ҳимоя воситаларига эга бўлган минг-минглаб Жазойир ватанпарварлари ҳозирги замон қуроллари билан қуролланган ва эндиликда Жазойир халқига қарши қилаётган жиноятларини Франция социалистлари байроғи остига яшираётган мустамлакачиларга қарши фидокорлик билан кураш олиб бормоқдалар.

СССРнинг раҳбар доиралари айтдиларки, агар Англия, Франция ва Исроил БМТнинг қарорларини писанд қилмасдан, ўзларининг ҳамма қўшинларини Миср территориясидан олиб кетмасалар ва турли баҳоналар қилиб бу қарорларнинг амалга оширилишини кечиктириб юборсалар ҳамда куч тўплаб Мисрга қарши уруш ҳаракатларининг яна бошланиш хавфини вужудга келтирсалар, у ҳолда Совет Иттифоқининг тегишли органлари миср халқининг ўз мустақиллиги учун олиб бораётган курашида қатнашиш истагини билдирган совет гражданларининг — кўнгиллиларининг жўнаб кетишларига тўсқинлик қилмайдилар.

СОВЕТ ХАЛҚИ МИСРНИНГ АГРЕССОРЛАРГА ҚАРШИ ҲАҚҚОНИЙ КУРАШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Империалистик агрессорлар Мисрдан чиқиб кетсин!

Тошкент электролампа заводи йиғиш цехининг юзларча ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари инглиз-француз ва исроиллик агрессорларнинг Мисрдаги жиноятқорона ҳаракатларига қарши ўз норозиликларини билдириш учун 10 ноябрда митингга тўпландилар.

Митингда кекса ишчи Улуғ Ватан уруши вақтида эридан жудо бўлган К. И. Еремина таъсирли нутқ сўзлади.

— Мисрдаги қонли жанглар ҳақидаги хабарларни эшитганимизда ҳар биримизнинг қалбимиз алам билан тўлади, деди у. Аммо биз биламизки, уруш ҳаракатларини Миср халқи бошлаб юборгани йўқ. Миср халқи тинчлик ва осойишталик бўлишини истайди. Тинчликни бузганлар ва қадимий Миср ернии қонга ботирганлар Англия, Франция ва Исроил империалистларидир. Улар миср халқининг озодлик ва мустақилликка бўлган иродасини куч ишлатиб синдирмоқчи бўладилар. Биз уруш оловини ёқувчиларга лаънатлар айтамиз ва Мисрда қон тўкилишига чек қўйилиши лозим, тинчлик тикланиши лозим, деб қатъий талаб қиламиз. Империалист агрессорлар Мисрдан чиқиб кетсин!

Монтажчи М. Ноздрина ва ишчи А. Кунгурова ўз нутқларида Англия, Франция ва Исроил империалистик агрессорларининг ҳаракатига қарши қаттиқ норозилик билдирдилар.

Корхонанинг бошқа цехларида ҳам кўп кишилик митинглар бўлиб, буларда интервентларнинг қўшинларини дарҳол Мисрдан олиб чиқиб кетишни талаб қилган резолюциялар қабул қилинди. (ЎзТАГ).

Агрессорларга лаънат!

Тошкентдаги тўқимачилик машинасозлиги заводининг коллективи миср халқининг мустамлакачиларга қарши олиб бораётган адолатли курашини қизғин қўллаб-қувватламоқда.

10 ноябрда корхона цехларида кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари миср халқига қизғин хайрихоҳлик изҳор қилдилар, агрессорларнинг қўшинларини Мисрдан дарҳол олиб чиқиб кетиш тўғрисида БМТ Бош Ассамблеяси фавқулодда сессиясининг резолюциясини дарҳол амалга оширишни талаб қилдилар.

5- механика цехи. Токарь Л. Климов трибунага чиқади. У бундай дейди:

— Миср халқи кўп кунлардан бери Англия, Франция ва Исроил агрессорларига қарши оғир, лекин адолатли уруш олиб бормоқда. Болалар, хотин-қизлар, кексалар ҳалоқ бўлмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинмоқда. Агрессорларга лаънат!

— Англия, Франция ва Исроил империалистлари Мисрга ҳужум қилиб, бутун дунёда янги қонли уруш хавфини туғдирдилар, — дейди мастер К. Самадов. — Ўтган уруш машаққатларини бошимиздан кечирган биз, совет кишилари юз берётган воқиалардан четда тура олмаймиз. Биз қатъиятлик билан: Мисрдан қўлингни торт! Янги уруш оловини ёқувчилар жавобгарликка тортилсин! деймиз.

Партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига тайёргарлик

Коммунистик партиянинг доно раҳбаранги остида совет халқи КПСС XX съезди қарорларидан руҳланиб, жуда катта сиёсий ва хўжалик вазифаларни муваффақиятли равишда амалга ошираётир.

Партиямиз XX съезди томонидан қўйилган коммунизм қурилишининг буюк вазифаларини муваффақият билан амалга ошириш учун дастлабки қадам томонлама чиниққан, онгли, революцион назарияни чуқур биладиган кишиларни кўплаб тарбиялаб етиштириш талаб қилинади. Совет кишиларининг социалистик онглилиги ошган сари совет жамиятининг куч-қудрати тағин ҳам ортиб боради ва шу билан бирга бизнинг коммунизм сари қилаётган ҳаракатимиз янада тезлашади.

Партия маорифи барча коммунистларнинг сиёсий онгини оширишга хизмат қилиши билан бир қаторда, идеология ишларининг энг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади.

Шаҳардаги партия ташкилотлари КПСС XX съездининг идеология ишларини яхшилаш юзасидан белгилаб берган кўрсатмаларини амалга оширабориб, ўтган ўқув йилида коммунистларнинг ҳамда барча кадрларнинг сиёсий билимини ошириш соҳасида анча ишларни қилдилар. Шу билан бирга партия ташкилотлари пропаганда ишларини коммунистик қурилиш тажрибалари билан боғлаб олиб бориш, саноат корхоналаридаги ҳамда шаҳар қурилишларидаги тингловчилар ўртасида бу ишни тўғри йўлга қўйишда ҳам бирмунча муваффақиятларга эришдилар. КПСС XX съездининг тарихий қарорлари ва материалларини ўрганиш барча коммунистлар ҳамда партиясизлар оммаси ўртасида маркса-ленинча назарияни, халқаро тараққиётнинг актуал масалаларини ўрганишга бўлган қизиқишни тобора оширмоқда.

Коммунистик партия XX съезди материалларини ўрганиш мақсадида партия ва комсомол сиёсий ўқиш тўгаракларидан ташқари, 8 минг киши ўқийдиган 300 дан ортиқ тўгарак ташкил қилинди.

Ўтган йили шаҳардаги саноат корхоналари ва қурилишларда биринчи марта конкрет экономикани ўрганиш юзасидан семинарлар ташкил қилинган эди. Бу семинарларнинг қатнашчилари корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган бир қанча амалий таклифларни ўртага қўйдилар. Айниқса, «Ўзбекуголь» трестида «Оҳангарон кўмирини брикетлаштириш масалалари» деган тема юзасидан ўтказилган семинар ғоят жонли ўтди.

Якунловчи машғулотлар эса уюшқоқлик билан ва қизиқарли қилиб ўтказилди. Марксизм-ленинизм кечки университетида биринчи ўқув йили муваффақиятли равишда тугалланди. 48 коммунист иккинчи курсга ўтди.

Шаҳардаги партия ташкилотлари янги ўқув йилига тайёргарлик кўришга ўтган йиллардагига қарағанда анча олдин киришдилар. Бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида, шунингдек Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг пленуми ва бюро мажлисида коммунистларнинг сиёсий ўқишига доир масалалар муҳокама қилинди.

Шаҳар партия комитетининг ходимлари пленум аъзолари билан биргаликда сиёсий ўқиш формаларини танлашдаги ихтиёрийлик принципига қатъий амал қилганлари ҳолда, барча коммунистлар ҳамда партиясиз активлар ўртасида ҳар бир киши билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказдилар, уларнинг қандай маълумотга эга эканлиги, сиёсий билим даражаси ҳамда кимда қаерда ўқиш истаги борлиги ва бошқа масалаларни аниқладилар. Ҳозир бу соҳадаги ишлар асосан тугалланди.

Бу йилги ўқув йилида партия маорифи шохобчаларида КПСС тарихи, сиёсий иқтисод ва конкрет экономикани ўрганиш юзасидан 56 тўгарак ва семинар, 4 та сиёсий мактаб иш олиб боради. Бундан ташқари, марксизм-ленинизм кечки университетининг 1-2 курсларида 110 коммунист ўқийди, 100 дан ортиқ коммунист эса мустақил равишда ўзининг сиёсий билимини оширади.

Коммунистлар билан ўтказилган суҳбатда иқтисодий билимларни ўрганишга бўлган қизиқиш катта эканлиги аниқланди. Ўтган йили конкрет экономикани ўрганиш юзасидан 2 та семинар иш олиб борган эди. Бу йил эса 6 та семинар ва тўгарак ташкил қилинди. Уларнинг тематик планлари ҳам ишлаб чиқилди. Бунда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги актуал масалаларга — меҳнат ва иш ҳақини нормалаштириш, социалистик мусобақани ташкилиштириш ҳамда илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш, хўжалик ҳисобини жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва бошқа масалаларга асосий эътибор берилади.

Коммунистлар ва партиясиз активлар халқаро аҳвол, КПСС ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати масалаларига бу йил ҳам катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Ҳозирги сиёсатга доир масалаларни ўрганиш учун 35 тўгарак ташкил қилинди.

Марксча-ленинча назарияни ўрганиш коммунистларни сиёсий жиҳатдан тайёрлашнинг асосий методи эканлигини ҳисобга олиб, партия ташкилотлари бу йил ўз сиёсий билими устида мустақил равишда шуғулланувчи коммунистларга нисбатан талабчанликни янада оширадилар, уларнинг ўқиши устидан контроллик қилиб туришни кучайтирадилар ҳамда шу билан бирга, ана шу коммунистларга систематик равишда ёрдам бериб туришнинг конкрет планини белгилаб чиқадилар.

Маълумки, сиёсий ўқиш тўгараклари ва семинарларида шуғулланувчи коммунистларнинг сиёсий билим даражаси кўп жиҳатдан пропагандистларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам шаҳар партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, семинар ҳамда тўгараклар раҳбарлик қилувчи кишиларни танлашга жиддий эътибор бердилар. Тўгарак раҳбарларининг кўпчилиги олий ҳамда тугалланмаган олий маълумотга ва бой пропагандистлик тажрибасига ҳам эгадир.

Ёз даврида 14 пропагандист Ўзбекистон КП Марказий Комитети томонидан уюштирилган бир ойлик курсларда қўшимча тайёргарликдан ўтди. Октябрь ойининг бошларида Ўзбекистон КП шаҳар комитети ҳузуридаги партия ва комсомол маорифи шохобчаларидаги барча пропагандистлар билан энг актуал сиёсий ва иқтисодий темалар юзасидан уч кунлик семинар ўтказилди ҳамда шаҳардаги саноат корхоналари ва қурилишларга экскурсия уюштирилди.

Шаҳар партия маорифи қабинети ҳозирги вақтда янги ўқув йилига тайёрланмоқда. Ҳозир бу ерда ўқиш программаси, семинар ва тўгараклар нинг иш планини тузиб чиқиш, зарур адабиётларни танлаш, кўргазмали қуроллар ҳамда шаҳардаги саноат корхоналари ва қурилишларнинг экономикасига доир турли кўрсаткичларни тайёрлаб қўйиш ишлари ва бошқа ташкилий ишлар жадал суратда олиб борилаётир.

Шаҳар партия ташкилотларининг шу кундаги асосий вазифаси ўтган йилларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўришдан ҳамда шу йил 15 ноябрдан бошлаб ҳамма ерда ўқишни қизғин равишда бошлаб юборишдан иборатдир.

Г. САКТАҒАНОВ,
Оҳангарон шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

ҲАМОН ХОТИРЖАМЛИК

ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИДА ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЁМОН АҲВОЛДА

Ҳадемай қиш келиб, ёғингарчилик даври бошланади. Бу корхона хўжалик раҳбарларини ташвишлантириши керак. Пойтахтимиздаги саноат корхоналарининг кўпчилиги қиш мавсумига пухта тайёрланиб қўйдилар. Илгор корхоналар маъмурияти ўз ишчиларига қишда ишлаш учун қулай шароит яратиб бераётирлар. Цех ва мастерскойларни ўз вақтида сифатли қилиб ремонтдан чиқариб қўйиш ва қиш пайтларида ҳам бир меёрда ишлашни таъмин этиш корхона раҳбарининг диққат марказида туриши керак.

Бироқ, Тошкентдаги айрим корхоналарда ҳали ҳам бундай муҳим ишга етарлича эътибор берилмаётир. Масалан, экскаватор заводи раҳбарлари бу ҳақда жиддий ўйламаётирлар. Улар қор ёғиб, изғиринлар бошланишига саноқли кунлар қолганлигига қарамай, бамайли хотир, кўл қовуштириб ўтирибдилар.

Мана, заводнинг юраги ҳисобланган механика-йиғув цехи. Бу катта бино ичида мураккаб механизмлардан экскаватор йиғилади. Бироқ, цехнинг қайси томонига назар ташламанг, ҳаммаёғи ялматешик бўлиб ётибди. Деразаларда деярли ойна йўқ. Борлари ҳам чанг босиб, ёриқлик ўтказмайди. Айрим жойлар тунука билан омонат қилиб ёпиб қўйилган. Бино поли захлаб кетган... Том усти ҳам худди шу аҳволда. Қўйилган шиферлар ўз ўринларидан сурилиб кетганлиги учун сал ёмғир томчиласа, чакка ўтиб кетади...

Бундай ёмон шароитда қиш пайтларида нормал ишлаш ҳеч мумкин эмас. Завод раҳбарлари цехнинг ифлосланиб кетишига ишчиларнинг ўзлари сабабчи деб таъна қиладилар. Бу мутлақо бўлмаган баҳонадир. Чунки чангни цехга ишчилар олиб кирмайдилар, балки чанг бинонинг ичма-ички ёриқларидан учиб киради. Цех ойналари мустаҳкам бўлса эди, бино ичкарисига чанг ҳам, тутун ҳам кирмаган бўлар эди. У тоза ва ёруғ бўлиб турар эди. Лекин афсуски, завод раҳбарлари мавжуд камчиликларни тезроқ тугатиш ва ишчиларнинг қиш шароитида нормал ишлашлари учун имконият яратиб бериш ўрнига юқоридаги каби баҳоналар билан ўз-ўзларини алдаб келаётирлар.

Энг муҳим ишлаб чиқарув цехларидан бири — қуюв цехида ҳам аҳвол ниҳоятда ёмон. Бу цехда на дераза бор ва на биронта ёпиқ жой. Цехнинг ҳамма томони очиқ. Бино ичидаги температура ташқаридагидан мутлақо фарқ қилмайди. Бу цехга биринчи марта кирган кишида «бу бино ҳали битказилмай, эксплуатацияга берилибди-да» деган таассурот туғилади.

Темирчилик цехида аҳвол айниқса ачинарлидир.

— Яхши ҳам бизнинг цехда деразалар қурилмаган экан, — дейди темирчилик цехининг ишчиларидан бири. — бўлмаса тошкўмир тутунига роса ҳам дудланар эдик-да!

Бу ҳазиломуз, лекин жуда аччиқ киноя билан айтилган ҳақли таънадир. Цехда тутунни ҳавога чиқариб юборадиган трубалар ўрнатилмаган. Кўпинча иш процессида цех тутунига тўлиб кетади, ишчилар кўз очолмай қоладилар.

Шуни айтиш керакки, завод территориясида ҳам қиш мавсумига тайёрланиш ишлари кўнгилдагидек эмас. Цехларга олиб борадиган йўлакларга асфальт ётқизилмаган, юк тушириш ва ортиш майдончалари ҳам аввалги ҳолида турибди.

Корхона цехларида иситиш тармоқларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор берилмаётганлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу ерда мавжуд иситиш ускуналари ремонтдан чиқарилган эмас. Масалан, 3 та пар қозонидан атиги биттаси чалакам-чатти қилиб хўжакўрсингагина ремонтдан чиқарилган, холос.

Бутун кучни пахта тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажаришга қаратайлик!

Мусобақа ғолиблари

Бўка районидаги Хрушчев номли колхознинг машҳур теримчиси Саодат Гулаҳмедова шу кунга қадар 30 тоннага яқин пахта терди. **Суратда: Ўртоқ Саодат Гулаҳмедова.**

Боёвут районидаги К. Маркс номли колхоз аъзолари шу кунга қадар 815 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиб олдилар. **Суратда:** колхоз раиси ўртоқ **Ю. Хўжабеков.**

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ўртоқ Анвар Эгамназаров бошлиқ бригада аъзолари 83 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан пахта топширдилар. **Суратда:** бригада бошлиғи ўртоқ **Анвар Эгамназаров.**

☆ ☆ ☆

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тобора кўпайтириш учун

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ёрдамидан илҳомланган Хрушчев номли колхоз аъзолари кейинги йилларда пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштираётирлар. Бу йил ҳам колхозимиз аъзолари 531 гектар ернинг ҳар гектаридан 1 ноябргача 37,5 центнердан ортиқ пахта топшириб, мавсум охиригача ҳар гектар ердан яна 7 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Ҳозиргача топширилган пахтанинг қарийб 96 процента биринчи сортга қабул қилинди.

Колхозда пахтачиликни тобора ривожлантиришимизда ташкилий ва агротехник тадбирларни тўла амалга ошириш билан бирга, тажрибали кекса пахтакорлар ишидан тўғри фойдаланаётганлигимиз катта ёрдам бераётир. Жумладан, барча бригада ва звеноларимизга тажрибали уста пахтакорлар раҳбарлик қилиб келмоқдалар. Улар дала ишларини тўғри ташкил этиш билан бирга, ўз тажрибаларини ёшларимизга қунт билан ўргатиб, билимдон пахтакорлар сафининг ўсишига доим ёрдам бермоқдалар. 86 ёшли кекса пахтакор ўртоқ Мирзааҳмад ота Шерматов бир неча йилдан бери звенога раҳбарлик қилиб келмоқда. У бошлиқ звено аъзолари ҳар йили мўл ҳосил етиштириб, давлат топширигини ортиғи билан бажараётирлар. Улар бу йил ҳам 13 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 40 центнердан пахта топшириб, яна 5 центнердан ҳосил олишга қарор қилганлар. Мирзааҳмад отанинг шогирдларидан Мунаввар Исроилова, Жўра Қодиров ўртоқлар бошлиқ звено аъзолари ҳам ҳосилни оширишда бу йил айниқса катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бу звеналар 13-15 гектар майдонларнинг ҳар гектарида 54-59 центнердан ҳосил етиштирдилар. Улар яна 8-10 центнердан ҳосил топширмоқчилар.

Ўзининг онгли ҳаётининг бутун давомида пахтакорлик билан шуғулланиб келаётган Тўхта Абдуллаева, Миргойиб Мирраҳимов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзоларининг бу йилги иши ғоят диққатга сазовор бўлмоқда. Ўртоқ Абдуллаева бригадасининг аъзолари 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 50 центнердан пахта берган бўлсалар, яна гектаридан 5 центнердан ҳосил топширмоқчилар. Шунга ўхшаш ўртоқ Мирраҳимов бригадаси 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Улар ҳозиргача 47 центнердан пахта топширдилар. Бу бригадалар билан мусобақалашаётган Убайдулла Қурбонов, Маҳамад Исоқов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ҳам мўл ҳосил етиштириб, планни муддатидан илгари бажардилар.

Мўл ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун кураш ҳам ўзининг ижобий натижаларини берди. Бунинг учун колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ишга яроқли кучнинг 80 процентини пахта йиғим-теримига жалб этди. Шуйингдек, шаҳар ташкилотларидан ва қишлоқдаги мактаблардан келган юзлаб кишилар ҳам пахта теришда бизга катта ёрдам берди. Бу эса ҳосилни тез фурсатда йиғиб олишни таъмин этди.

Теримчилар ўртасида социалистик мусобақа кучайтирилди. Натижада ҳар бир теримчининг ҳам меҳнат унуми ошиб, ўнминг килограммчилар сафи тез орада кўпайди. Илғор теримчилар меҳнат унумини оширишда ғоят катта ютуқларга эришдилар. Муҳаррам Рафиқова, Норбуви Турлибоева, Гулсара Рўзибекова ва шуларга ўхшаш ўнлаб илғорлар бир ярим, икки ой орасида 8-9 тоннадан ва ундан ҳам ошириб пахта тердилар. Бу илғорлар шу кунларда ҳам кунлик нормаларини 2-2,5 ҳисса қилиб бажариб, колхозимизнинг ҳар гектар ердан яна 7 центнердан пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятини бажаришга катта ҳисса қўшаётирлар.

Колхозимиз пахта билан бир қаторда сабзавот ҳам етиштиради. Бу йил 430 гектар майдонда етиштирилган сабзавот, картошка, қовунтарвуз ва ҳоказолардан мўл ҳосил олиниб, давлат мажбурияти ва давлатга маҳсулот сотиш топшириқлари ортиғи билан бажарилди. Колхозимиз бундан кейин ҳам давлатга ва аҳолига сабзавот-картошка сотишни давом эттиради.

Чорвачиликни ривожлантириш плани ҳам барча турлари бўйичъ бажарилди. Бу йил сигирлардан айниқса кўп сут соғиб олинди. Шунинг учун пландаги 280 ўрнига 305 тонна сут олиш мумкин бўлди.

Колхоз ишлаб чиқаришининг ривожланиши колхоз даромадининг ошишига ҳам асос бўлмоқда. Бу йил умумий даромадимиз ўтган йилгига нисбатан 4 миллион сўм кўп бўлади. Шунинг учун бу йил колхозчиларнинг ҳар бир меҳнат кунига ўтган йилги 8 сўм 50 тийин ўрнига 15 сўмдан пул, 2,5 килограммдан дон ва бир килограммдан сабзавот тақсим қилинади.

Колхозчиларнинг турмуши тобора яхшиланмоқда. Бу йил 73 колхозчига янги уй-жой қуриб берилди. Ўрта мактаб, янги чойхона, ҳаммом қурилиши тез суръатлар билан давом эттирилмоқда. Бу йил автогараж, 500 тоннали сабзавот омбори, сабзавотни қайта ишлайдиган базалар ҳам қурилди.

Жамоат ишлаб чиқаришининг буюк самараларидан баҳраманд бўлаётган колхозимиз аъзолари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бундан кейин ҳам янада кўплаб етиштириш учун чинакам бел боғлаганлар.

Ф. МУХСИМОВ,
Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг раиси.

☆

ПАХТАКОРЛАР

Диёр йўллари гавжум,
Борар миллионерлар.
Чеҳраларда табассум,
Манглайда қайноқ терлар...
Қарашларда қатъият,
Лочин наби ҳумумкер,
Юракларда муҳаббат,
Ғунча очган, гулбаҳор.
Коржомалар чангида
Олтин зарҳали ёшнар,
Далаларнинг рангида
Товланади заҳр нақшлар.
Этак тутган гўзаллар
Ундан бошга гул тақар.
Ошиқ тўниб ғазаллар
Ёр қалбига ўт ёқар.
Дил сўзимиз, ёримиз
Шу дер миллионерлар,
Яшнаб ҳур диёримиз,
Ясансин дер кенг ерлар.
Водиларга бир қаро,
Унинг тоғ-тоғ кони бор.
Ҳар толаси дур, сара,
Роҳати бор, шони бор.
Шунинг учун тинмас ҳеч
Миллионер колхозлар,
Шунинг учун тинмас ҳеч
Миллионер совхозлар.
Тузар қатор карвонлар
Хирмон-хирмон пахтадан.
Ҳосил уюб майдонлар
Сўйлар элнинг бахтидан.
Бепоён кенг Мирзачўл
Пахтага кон бўлдим дер,
Мўл ҳосилга қўйиб қўл,
Карвон тузар Ғанишер.
Саодатлар ғайрати
Тонналарда мужассам,
Жўшқиндир нуз меҳнати,
Ғаниматдир ҳар бир дам.
Минутларда акс этиб,
Фасл ўтар сел ёйиб.
Кечикканлар вақт ўтиб,
Юрар сўнг ўзин койиб.
Шунинг учун эл бунун
Тонг отмасдан уйғонар,
Қалбдан айтган аҳд учун
Узин этган сафарбар.
Аҳдни улаб суръатга
Карвон тузар пахтакор.
Тўлиб ичу-қудратга
Яшнайверсин ҳур диёр.

НАЗАРМАТ.

Аҳдининг уддасидан чиққан қиз

Маҳбуба Худоёрова мавсум бошида бўлиб ўтган йиғилишда: «Бу йил мен 10 тонна пахта териш мажбуриятини оламан ва дугоналаримни ҳам кўпингчилар ҳаракатига қўшилиш учун социалистик мусобақага чақираман», деган эди.

Маҳбуба эл-юрт олдидаги ваъдасининг уддасидан чиқиш учун терим бошланган дастлабки кунларданоқ ғайрат билан ишлай бошлади. Теримни соатлик график асосида олиб борди. Натижада кундан-кунга кўпроқ пахта теришга эришиб, тез орада дугоналаридан ўзиб кетди. Ҳозиргача унинг хирмонга топширган пахтаси роппа-роса 10 тоннага етди.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Меҳриниса Аҳмедова, Розияхон Исматиллаева, Инобат Эргашевалар каби теримчилари ҳам 7-8 тоннадан пахта теришга эришдилар.

Д. ҚУРИМБОЕВ.

☆ ☆ ☆

Машина билан пахта теришнинг афзалликлари

Сирдарё районидаги Ильич номли колхоз кўп йиллардан бери қолоқликдан чиқолмас эди. Бу йил колхозда янги, прогрессив метод кенг қўлланилиб, 1088 гектар пахта майдонининг кўпгина қисмидаги ғўзалар икки томонга қараб ишланди ва яхши парвариш қилинди. Бу иш колхозчиларнинг қўл меҳнатларини анча енгиллаштирди, талай меҳнат тежаб қолинди.

Колхозда пахта терими даврида ҳам машинадан унумли фойдаланиш ишига жуда катта эътибор берилаётир. Пахта териш машиналарининг нормал ва сифатли ишлаши учун ўз вақтида тайёрлик кўрилди, далаллар ёнвойи ўтлардан тозаланди. 1088 гектар пахта майдонидан 400 гектар ердаги пахтани машина билан териб олишга ажратилди. Натижада механизаторлар бу колхозда пахта териш машинаси билан унумли ишладилар, колхозда 670 тонна пахтани машина билан териб бердилар. Ҳар гектар ердан машина билан териб олинган пахта 18 центнердан-га тўғри келади. Бундан ташқари механизаторлар 560 гектар ердаги кўракни машина билан териб, колхозга катта ёрдам бердилар.

Пахтаси асосан машина билан терилган бригадалар пахта тайёрлаш планларини 17 октябрдаёқ бажардилар. Ўртоқ Омон Худойбердиев бошлиқ бригадада 160 гектар пахта майдони бўлиб, гектаридан 22 центнердан ҳосил беришга қарор қилинган эди. Бу бригада пландаги 22 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил олди.

Шунингдек, планини тўла адо этган ўртоқ М. Амиршаев бошлиқ бригада аъзолари ҳам 22 центнер ўрнига 27 центнердан пахта олиш учун астойдил курашмоқдалар.

Машина билан пахта теришда Петр Морозов, Лисенко ўртоқлар бошлиқ трактор бригадаларининг механик-ҳайдовчилари бирмунча яхши натижага эришдилар. Петр Рижков ҳозиргача 37 тонна, П. Бондаренко, Р. Ҳамзаев, А. Муродовлар 35 тоннадан пахта тердилар.

Ильич номли колхоз аъзолари машина билан пахта теришнинг ғоят афзаллигини амалда кўрдилар. Колхозда ёрдамчилар терган ҳар тонна пахта учун 400 сўм сарфланаётир. Агар машина билан терилган 670 тонна пахтани қўл билан терилганда эди, колхоз 335 минг сўм харажат қилган бўлар эди. Ваҳоланки, машинада терилган 670 тонна пахта учун 40 минг сўм тўланди, холос.

Шундай қилиб, пахтаси машина билан терилган бригадаларда терим тезлашди, пахта теримига сарф этиладиган харажатлар жуда арзон тушди, етиштирилган пахтанинг таннархи камайди, меҳнат кунининг қадри ошди.

Бундан ташқари, теримда машинадан кенг фойдаланилган бригадаларда пахта тайёрлаш плани муддатидан олдин бажарилди. Ҳозир бу бригадаларда машина билан кўрак териш бошлаб юборилди. 100 гектар ердаги ғўзапояларни машина билан юлиб олиниб, ер шудгор қилинди. Умуман бу колхозда ҳозиргача 308 гектар ер шудгордан чиқарилди.

Бу факт пахта териш машиналаридан мақсадга мувофиқ унумли фойдаланилса, колхозларга ҳар жиҳатдан катта фойда келтиришини яққол кўрсатиб турибди.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Далалардан дараклар

СИРДАРЁ. Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ Ш. Бухоров бошлиқ 2-бригада аъзолари 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил олиб, йиллик пахта тайёрлаш давлат планини муваффақият билан бажардилар. Илғор теримчилардан Н. Новрўзова, Н. Қодиркулов, К. Мирзаева, А. Зулфиқориева каби ўртоқларнинг ҳар бири 7-8-9 минг килограммдан пахта тердилар. Бригада аъзолари яна ҳар гектар ердан 10 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун курашаётирлар.

Райондаги Сталин номли, «XIX партсъезд» колхозларининг илғор бригада ва звеноларида ҳам йиғим-терим ана шундай намунали ўтказилмоқда.

Ч. Илёсов,
С. Худойберганов.

* * *

ОРЖОНИКИДЗЕ. «Сталинград», Маленков номли, Сталин номли колхозларнинг аъзолари етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни тезроқ тугаллаш учун бутун чоралар билан курашмоқдалар. Айниқса, «Қизил Ўзбекистон» колхози аъзолари зўр уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқдалар. 83 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39 центнердан ҳосил топшириб, социалистик мажбуриятини ортиғи билан бажарган коммунист А. Эгамназаров бошлиқ бригада аъзолари йиғим-теримда олдинда боряптилар. Колхознинг С. Ўрмонова, Т. Тошманов бошлиқ бригадаларида ҳам иш қизғин бораётир. Колхозчилар қўшимча равишда давлатга яна бир неча центнердан пахта топшириш юзасидан олган янги мажбуриятларини ҳам тез кун ичида бажариш учун курашмоқдалар.

У. Муратов, Ю. Маҳмамов, А. Абдуллахўжаев, Т. Шарапов, Ж. Сайдалиев.

Мусобақа ғолиблари

Октябрь районидаги Киров номли колхозда СХС-1,2 машинаси билан пахта терган Турдихон Охунова шу кунга қадар 53 тонна пахта терди. **Суратда: Ўртоқ Турдихон Охунова.**

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг Эм-Дя-юр бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан давлатга 150,5 центнердан каноп-жут ҳосили топширдилар. **Суратда:** Ўртоқ **Эм-Дя-юр.**

Калинин районидаги Ворошилов номли колхознинг ёш сут соғувчиси Ҳамида Исломова бу йил ўзига биркитилган сигирларнинг ҳар биридан 3,5 тоннадан ошириб сут соғиб олди.

Суратда: Ўртоқ **Х. Исломова.**

ПУЛАТ БАРМОҚЛАР

ҲИКОЯ

Далалар сутга чайқаб олгандек ошоқ. Куз совуғи эрталабдан баданга нинадай санчилади. Қушлар арқумчоқ солиб ўйнашгани-ўйнашган. Эрта тонгдан иш бошлаган теримчи қизлар эса энди ўз ашулаларининг авжига чиқмоқдалар.

Саккизинчи бригаданинг шийпони баландликка жойлашган бўлиб, унинг томи, қатто хирмонигача қўшни бригада ерларидан қарасанг ҳам яққол кўриниб турар эди. Бригада бошлиғи Шермат ака хирмонинг бир чеккасида туриб, атрофни кўздан кечираркан, қоп тикаётган ҳамда пахта қоплаётганларга: — «Хўп кўзимиз борда!» демоқчи эди, бирдан овози ўзгариб «Ўҳ!!!» — деб юборди ва дарҳол ўзини шийпоннинг ичига олди. У катта кўчадан шийпон томонга пахта терадиган машинанинг қайрилганини кўрган эди.

— Сафарали, тез отни эгарла, — деди у самовар ёнида тараша майдалаётган йигитга. Ҳамма қайрон бўлиб унга қаради ва бараваргa:

— Ҳа, нима бўлди? — дейишди.

— Машинасини ўқдай ҳайдаб Даминжон келяпти. Келади-ю, қайси картага тушай, дейди. Иннайкейин, ўлгудай инжиқ.

— Шунга шунчами? Мен каттароқ ердан комиссия келиб қолибдими дебман! — деди кимдир бурчакдан.

Ҳамма кулиб юборди. Шермат ака эса бўш келмасдан:

— Куласанлар-да! Унинг чўрт кесарлигини билмайсанлар, — деди пўнғиллаб.

— Чўрт кесар бўлса, масалани тушунтириб гаплашинг, — деди қанорнинг ичига тушиб пахта ниббалаётган звено бошлиғи Қурбон ака ишидан тўхтаб. — Нима учун бригадирсиз?!

— Куз бўлса, шу йигитдан сал йироқ юрсам дейман-да.

Шермат ака пахта терадиган машинани кутиб олиш учун чиқишга мажбур бўлди. Даминжон ўз машинасини шийпон олдида тўхатади ва машинадан тушиб, тўғри Шермат аканинг олдига юрди. Иккоалари қуюқ сўраша бошладилар.

— Даминжон, акаси, бормисан. Сени кутавериб кўзимиз тешилай деди-ку. Мунча ҳаялладинг? Энди келмасмикансан деб ҳам ўйладик, — деди сир бой бермасдан ўзини далигулиликка солиб Шермат ака.

— Келмайдиган номард борми-я, Шермат ака. Ёзи билан баравар ишлашдик, бундан буёнги ишларни ҳам баравар қиламиз-да. Ҳосил пишиб, тайёр бўлганда, уни йиғишдан қочадиган киши бизда йўқ! Бироз МТСда ремонт ишларимиз кўпайиб кетди. Шунинг учун кечикдим.

Даминжон бошқалар билан ҳам кўришиб бўлиб, Шермат акага:

— Қалай, пахта борми? Бу йил энди урушмаймизми? — деди кутилмаганда.

—Унақа гапни қўй. Пахта десанг истаганча бор. Гап жойига қўйиб теріб олишда. Пешонамизнинг тери тўкилган-да, нима дединг, ука!

— Албатта. Бизники ҳам чакана тўкилмаган. Қиш, баҳор, ёз билан тракторнинг устидан тушмадик.

— Шуни билсанг, — бўпти, арслон йигит. Қани, бўлмасам, қаердан тушдинг? Ўз қарталаринг ўзингга маълум. Ҳў анави картага тушакол,—деб у тўғоннинг нариги ёнидаги қартани кўрсатди.

— Тўғоннинг бу томонидаги қартага тушсам-чи? Ўша тозароқ очилганга ўхшайди.

— Мана шу одатинг ёмон-да, ука. Мени менсимайсан. Очилганликка очилган, тоза ҳам. Лекин ҳў нариги бошига кеча сув кириб кетибди, билдингми!

— Йўғ-э! — деб эътироз билдирди хирмон томондан Қурбон ака. Чунки у қарта унинг звеносига тегишли бўлиб, сув киргандан бехабар эди.

— «Йўғинг» нимаси? Ҳали ўз кўзим билан кўрдим! — деб жеркиб берди уни Шермат ака ва яна юмшоқлик билан Даминжонга гап уқтиришда давом этди: — Барибир у ҳам ўзингнинг участканг, ўзинг терасан. Менга фақат, ўзинг айтгандай урушмасдан, муроса қилиб ишлашсак бўлгани. Ҳар ҳолда мен бригадирман, ёшим ҳам катта, иккитаучта кўйлакни сенга қараганда ортиқроқ кийганман.

— Хўп, бригадирлигингизни ҳам, ёшингизни ҳам ҳурмат қиламан.

— Раҳмат, акаси.

Даминжон машина томон юрар экан, Қурбон ака унга:

— Даминжон, машинангиз бултургидан бошқачароқми дейман-а? — деди машинани кўздан кечириб, қизиқсиниб.

— Ҳа, бўлмасамчи! — деб жавоб бера бошлади у. — Машина деган доим ўзгариб, такомиллашиб туради. Бу машинанинг ҳам кўп янгилиги бор. У, тўкилган пахтани ўзи териб кетади. Ундан кейин рабочий аппарати автоматлаштирилган. Баланд жой келса ўзидан ўзи кўтарилади. Пахтани ҳам кўп теради. Ўзимизнинг Тошкентда ишланган! — деди фахрланиб ва бир неча минутдан кейин Шермат ака кўрсатган қартага тушиб иш бошлади.

Бу бригаданинг ерлари тап-текис бўлиб, қарталарнинг бўйи ҳам узун. Бунинг устига пахта ҳам бу йил мўл бўлиб, машинанинг бункери қартани саккиз-тўққиз айлангандаёқ тўлиб турар эди. Шермат ака машина учун қартанинг бошига алоҳида хирмон тайёрлаб, пахтани ташиш учун арава ҳам ажратган эди.

Даминжон ўзи узоқда — МТС томонда турса ҳам, лекин бир неча йилдан бери асосан шу бригадаларга биркитилган ва бу ердаги кўп кишилар билан ош-қатиқ бўлиб кетган эди. Икки-уч йиллан бери у энди ер ҳайдаш, чигит экиш, культивация қилиш, дори, ўғит солиш билан чекланмасдан, пахтани ҳам теріб берадиган бўлди. Лекин шунинг устида Шермат ака билан бир неча бор санманга бориб қолишди. У вақтда машина яхши, тоза термас эди. Шермат аканинг эса нақ жони ҳиқилдоғига келар эди.

Кунларнинг бирида Шермат ака Даминжонга: — «Ҳўп ҳаққи, Даминжон, кел сенга ранс билан келишиб, ҳар кунга хоҳлаганингча ҳақ берай. Шу машинани қўй!» — деди. Лекин у кўнмади ва: — «Мен у сиз айтган ҳаромхўрлардан эмас. Иккинчи марта шундай десангиз, тегишли жойга арз қиламан», — деб жавоб берди. Шермат ака шу-шу, қаршилик кўрсатишнинг яширин йўлига ўтди. У, пахта терадиган машинанинг келишини билса, қаёққадир кетиб қолар эди. Механик эса уни қартама-карта қидириб юргани-юрган эди. Бултур эса машина тушиши керак бўлган катта қартага сув қўйдириб юборди, ундан кейин кечикиб, пахтани қўл билан тердирди. Бу, колхозда жуда катта гап бўлди. Даминжон раҳбарларнинг номига норозилик хати ёзиб, правление мажлисида унга виговор бердирганди. Шундан буён Шермат ака Даминжонни кўришга тоқати йўқ эди. Шермат аканинг бу қилиқлари орқасида бригада планни анча кеч бажарган эди.

Ҳозир Даминжон рулда ўтириб, Шермат ака ҳақида ўйларди: «Бу йил тузик. Кутиб олиши ҳам умуман ёмон бўлмади. Минг қилса ҳам меҳнат қилган-да. Ачинади. Ишнинг яхши бўлишини хоҳлайди. Бугун иккиикки ярим тоннани урсам ажаб эмас! Эрталардан бу қартани бўлиб, ўзим айтган қартага тушаман. Асли ўша ёққа тушишим керак эди-я. Ўжарлик қилди-да. Майли, бу сафар бўш келдим, аммо... ҳа, ўзи билар, ҳар сафар бўш келаверадиганлардан эмасман...».

Самоварчи ҳам овқат билан чойни вақтида олиб келди. Даминжон ишга бошлагандан бери унинг янги машинасини кўрганя атайлаб бир қанча киши келиб кетди. Ҳамма бу янги машинанинг такомиллаштирилганлигига, ишни бажаришига қойил қолишарди. Тушдан кейин Шермат ака келди. У ҳам машинани ёдан томоша қилди, ишини ҳам кўрди ва охири у терган пахтани сиқимлаб туриб:

— Машиннанг яхши-ю, лекин ҳали ҳам чаласи бор. Ўзинг кўр, шу пахтани тоза деб бўладими? — деди салмоқлаб.

— Тўғри, Шермат ака, тоза деб бўлмайди. Лекин машинанинг ишлаши одамга боғлиқ. Ғўзанинг барги яхши тўкилмаган. Бошқа жойга тушишга ўзингиз қўймадингиз.

— Баҳона ахтарма. Хўп, ифлос терилганига ғўзанинг барги тўкилмагани сабаб экан, пахтани яхши олмаганигачи? Бунга нима сабаб? Қолдириб кетганларини қара! — деб Шермат ака ўнда-мўнда чаноқлардан осилиб ётган толаларга қўлини бигиз қилиб кўрсатди.

— Кўраяпман, Шермат ака. Лекин гап шундаки, машина бирданига такомиллашмайди. Биринчи трактор, биринчи самолёт, биринчи автобус, биринчи паровоз — ҳеч қайсиси бирданига ҳозирги аҳволга келиб қолган эмас. Ҳаммаси секин-аста, тажриба йўли билан пухталаниб боради.

— Ҳа, ҳали бизнинг пахтамизда тажриба қилаяпмиз дегин, — қанча ҳосилларимизни қурбон қилиб?, эҳ!,—деди Шермат ака пешонасини тириштириб. — Менинг шахсан ўзимга қолса, бригадамга бу машинани, ёдан ақли кирмагунча, қадамини бостирмасдим! — деди-да, гапни ҳазилга бурди.

Лекин бу Даминжонни ўйлатиб қўйди.

— Демак, ҳали ҳам эски ҳаммом, эски тос денг! — деди у Шермат акага тикилиб.

— Мен, нима, сенга терма деяпманми? — деди у Даминжонга яқин келиб.

— Ундай деёлмайсиз-да. Бўлмасам, дердингиз-а. Гапнинг ростини айтайми, Шермат ака, лекин жаҳлингиз чиқмасин. Сиз машинанинг ҳали ақли кирмайди деяпсиз. Бироқ бу тўғри эмас. Менингча, бу машинанинг ақли бултурдан бери сизникига қараганда кўпроқ кирганга ўхшайди.

У аччиги билан шундай деди-ю, дарҳол орқасига ўгирилиб, шаҳдам қадам ташлаб машинаси томон йўл олди. Шермат ака эса: «Нима? Нимэ дединг? Ҳой Даминжон...» деганича орқасидан чақириб қолаверди.

Кечқурун Даминжоннинг бир ярим тонна пахта тергани маълум бўлди.

Даминжоннинг Шермат акага «Машинанинг ақли бултурдан бери сизникига қараганда кўпроқ кирганга ўхшайди» дегани унга ҳам ўлгундай қаттиқ теккан эди, кечаси билан ухлолмай тўлғаниб чиқди. У эрталаб қишлоқдан дала томон кетар экан, унинг бригадаси билан мусобақадош бригада бошлиғи Очил акага рўбарў келди. Одат бўйича гап процентдан бошланди.

— Қалай, неча процент бўлди?

— Тўқсон беш.

— Не! — деди бирдан таажжубланиб Шермат ака. — Қанақа қилиб бирдан бунчага чиқиб олдиларинг?

— Қанақа қилиб бўларди. Одамларимиз яхши ишлаяпти-да.

— Бизникилар ҳам ёмон ишлаётгани йўқ. Икки юз-уч юз килограммдан тераётганлари бор.

— Ҳашарчилар ҳам яхши ёрдам беришаяпти.

— Ие, гапинг қизиқ. Бизда ҳам чакана ишлашмаяпти азаматлар. Сизникига қараганда бизда улардан кўп.

— Машина-чи?

— Машинами? — деб бирдан ўйланиб қолди у ва секин жавоб берди. — Битта бор.

— Ҳа, баракалла, азамат, — деди истеҳзо билан Очил ака. — Битта машина билан тағин биз билан баҳс бойлашмоқчимисизлар?! У ҳам кеча келган бўлса керак. Йўлда кўрувдим. Бизда эса иккита, анчадан бери ишлаяпти. Кунига икки-уч тоннадан тераяпти. Бу ҳазил гапми?—деди ва иши зарур экан шекилли, тезда хайрлашиб, катта йўлдан ўз бригадаси томон отининг бошини қайирди.

Очил аканинг гапларидан Шермат ака нақ ваҳимага туша бошлади: «Тўқсон беш-а! Биз эса лоақал олтмишга чиқолмай гарангмиз. Наҳотки бу йил ҳам ҳаммадан орқада қолсам. Кеча ўзи асли мендан ўтди. Гарчи машина тўғрисида гапирган бўлсам ҳам, лекин Даминжонга қаттиқ теглим. Агар менга қолса, машинани эмас, Даминжоннинг ўзини бригадамга қадам боснрмасдим, дегандай қилдим. Тағин ҳам Даминжон оғирлик қилди. Менинг бу гапимга менга ҳар нарса деса ҳам арзийди. Тўғри, терган пахтаси бироз ифлос. Лекин ворохадан бир марта чиқаргандаёқ кумушдай яшнаб кетади-ку!

Шермат ака шийпонга яқинлашар экан, Даминжон кечаги чала қолган қартанинг ўртасида машинасини ҳайдаб кетаётган эди. У Даминжонга бир нарса демоқчи бўлиб, йўлдан уч марта чақирди, лекин Даминжон эшитди-ю, ўзини моторнинг товуши билан эшитмаганга солиб кетаверди.

Шермат ака хирмонга бориб, у ерда кўп тўхтамасдан, колхоз идораси томон жўнаётган эди, теримчиларнинг олдидан Қурбон ака келиб қолди. Шермат ака ҳовлиқкан ҳолда унга арз-ҳол қила бошлади:

— Бу йил ҳам аҳволимиз чатоқ. Олдини олмасак бўлмайди. Очил аканики юзга яқинлашибди. Ҳозир идорага бориб, тағин битта пахта терадиган машина сўрайман. Бермаса, мендан бригадирлигингни ол, дейман. Бошқа гапим йўқ.

Қурбон ака ҳам унинг бу фикрини қувватлади. Шермат ака жўнаб кетатуриб, Қурбон акага:

— Даминжонга айт, тезроқ ҳозирги қартани бўлиб, сеникига тушсин, мен сеникини бир бало қилиб қўлда териб оламизми деб ўйловдим. Шармандамиз чиқади, — деди ва тўриқ отига қамчи босди...

Бир неча кун булутланиб турган ҳаво яна очилиб кетди. Куёш ўз ҳаётбахш нурларини бу водига тағин мўл-кўл соча бошлади. Кўсаклар эса минут сайин патир-путир очилиб, ўз эгаларини шоширар эди. Далалар кенг, оппоқ дастурхонга ўхшар, унинг ичида эл қатори, бронлар қатори Даминжон ҳам қизларнинг қувноқ ашулаларидан маст бўлиб, ўз машинасини тўғри эгатлардан янги ғайрат ҳамда ишонч билан олга ҳайдаб борар ва ундаги юзларча пўлат бармоқлар адашмасдан ишлаб, поёнсиз даладаги қимматбаҳо «оқ олтин»ни битта ҳам қўймай, эпчиллик билан теріб кетар эди. Узоқдан эса Шермат аканинг товуши эшитилди:

— Ҳой Сафарали, Даминжондан хабар ол!..

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ.

БМТ Бош Ассамблеяси фавқулодда сессиясининг мажлиси

НЬЮ-ЙОРК, 9 ноябрь. (ТАСС). «Венгрияда аҳвол» масаласини муҳокама қилмоқ учун кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси фавқулодда сессиясининг мажлиси чақирилди. Бу масаланинг Қўшма Штатлар, Англия ва Франция томонидан дастлаб Хавфсизлик Кенгашида, сўнгра эса Бош Ассамблеяда эўрма-эўраки муҳокама қилдирилаётганлиги тўғрисида илгари хабар бериб ўтилган эди. Уларнинг бундан мақсади Мисрга қарши қилинган империалистик агрессиядан жаҳон жамоатчилигининг эътиборини чалғитишдир, халқаро вазиятни кескинлаштириб, подпольедаги реакцион кучларнинг халқ-демократик ҳукматларга қарши фаолиятини активлаштиришдир.

Сессиянинг эрталабки мажлисида Венгрия вакили Сабо мажлисни олиб бориш тартиби тўғрисида сўз олди. У, «Венгрия масаласи»нинг сессияда муҳокама қилинишига қарши чиқди, чунки масаланинг бу тарзда муҳокама қилиниши Венгрия Халқ Республикасининг ички ишларига қўпол равишда аралашиш бўлади.

Ассамблея раиси, Венгрия вакилининг бу гапини маълумот учун қабул қиламан, деди. Лекин у масала кун тартибига киритилганлиги сабабли делегатларга Ассамблея томонидан 4 ноябрда қабул қилинган Америка резолюцияси тўғрисида овоз бериш сабаблари ҳақида гапириш имконияти берилади, деб айтди.

Чанкайшичи, кубалик, Португалия, Голландия, Уругвай вакиллари ва бошқалар Венгрия Халқ Республикасига ва Совет Иттифоқига тўхмат қилиб гапирдилар.

Болгария, Албания, Руминия, Польша, Югославия ва Чехословакия вакиллари Венгрия масаласининг муҳокама қилинишига қарши кескин равишда эътироз билдирдилар.

Украина ССР вакили В. Сапожников, — «Венгрия масаласи»нинг Бош Ассамблеяда муҳокама қилиниши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини қўпол равишда бузиш бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадларига ҳеч бир дахли йўқ эканлигини уқтириб ўтди.

Индонезия вакили Сужарво, Венгрия масаласини «муҳокама қилмоқ учун Бош Ассамблеянинг фавқулодда сессиясини чақиришдаги шошма-шошарлик, фақат баъзи делегациялар» учунгина манфаатли бўлди, деди. Бу масала «энг манфаатдор томон бўлган Венгриянинг» вакили қатнаштирилмай муҳокама қилинди.

Италия вакили Витетти ғазаб ва тўхматдан иборат нутқ сўзлаб, Италия, Куба, Ирландия, Покистон ва Перу номидан резолюция проекти тақдим қилди. Бу проект Ассамблея томонидан 4 ноябрда қабул қилинган америка резолюциясини такрорлайди.

Испания делегати Лекерика иғвогарлик нутқи сўзлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти байроғи остида Венгрияга юбормоқ учун испан солдатларини таклиф қилди.

Ҳиндистон вакили Кришна Менон Ҳиндистон ҳукумати Венгриянинг ички ишларига чет давлатларнинг ҳар қандай аралашувига қарши эканлигини уқтириб ўтди.

Шу билан мажлис тугади. Эндиги мажлис 9 ноябрга тайинланди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 9 ноябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси фавқулодда сессиясининг бугунги эрталабки мажлисида Венгрия масаласи деб аталган масала устида АҚШ вакили Лодж бириничи бўлиб сўзга чиқди. У, АҚШ ўз васийлигидаги исъёнчиларнинг мағлубиятга учраганлигига «тоқат қилолмайди» деб очиқдан-очиқ айтди. Унинг нутқи фашист элементларни халқ демократияси мамлакатларида ур-йиқит қилишга тағин ҳам ошкора равишда давъват қилишдан иборат бўлди. У, баъзи капиталистик мамлакатларда коммунистик партияларнинг биноларига ўт қўйилганлигига қойилман, деди. Айни бир вақтда, у, революцион ишчи-деҳқон ҳукуматини Венгрияга «ёрдам кўрсатилишига» халқият бермоқда, деб айблади. У, «БМТ томонидан Венгрияга ёрдам кўрсатилиши» тўғрисида ўзининг янги резолюция проектини расмий равишда тақдим этди.

Покистон делегати резолюция проектини қувватлаб қисқача нутқ сўзлаганидан кейин (Покистон — шу резолюция авторларидан бири-дир), СССР вакили В. В. Кузнецовга сўз берилди.

Венгриядаги аҳвол деб аталган масала, — деди В. В. Кузнецов, — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини бузган ҳолда, Бош Ассамблея сессиясининг кун тартибига киритилганлигини СССР делегацияси Бош Ассамблеянинг шу сессиясида илгари сўзлаган нутқларида уқтириб ўтган эди. Венгрия ҳукумати Венгрия масаласи деб аталган масаланинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида муҳокама қилинишига қарши норозилик билдирмоқда ва буни мамлакатнинг ички ишларига аралашиш деб ҳисобламоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмас.

Венгрия масаласи деб аталган масалани муҳокама қилишда венгер халқининг манфаатларига ҳеч бир алоқаси бўлмаган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принципларига ҳеч бир алоқаси бўлмаган мақсадлар кўзда тутилаётганлиги энди кўриниб турибди. Венгриядаги воқиалар муносабати билан Ассамблеянинг шу мажлисларида қилинган ва қилинаётган ишларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тарихида сира мисли кўрилмаган ишлар дейиш мумкин. АҚШ, Англия, Франция ва бошқа баъзи мамлакатларнинг делегациялари реакцион фашист группаларни Венгриядаги халқ-демократик тузумга қарши ур-йиқит қилишга гиж-гижлаш мақсадида, Венгриядаги эски помешчик-капиталистик тузумни тиклашни ҳали ҳам орзу қилаётган реакцион кучларни сафарбар қилиш мақсадида бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минбаридан фойдаланмоқдалар. Ғарб давлатлари Мисрга қарши ўзлари ташкил этган қуролли агрессиядан жамоатчиликнинг эътиборини чалғитмоқ учун ҳам Венгрия масаласи деб аталган масалани кун тартибига киритдилар. Мазкур делегациялар ўз устларига олган бу ҳунуқ ишни Совет Иттифоқига, Венгрияга, халқ-демократик тузум мавжуд бўлган ҳамма мамлакатларга нисбатан ҳар хил уйдирма гаплар ва ифлос туҳматлар қилиш билан бирга давом этдирмоқдаларки, улар шундай қиладилар деб кутилган эди. Бу гапларнинг сиёсий мақсади бутунлай равшан бўлиб, бу гапларда Венгрияга нисбатан ҳам, Совет Иттифоқига нисбатан ҳам ҳеч бир оригиналлик, ҳеч бир янгилик йўқ. Совет тузумини ағдаришга даъват қилишларни биз душманлар оғзидан 39 йилдан бери эшитиб келмокламиз.

Венгрия халқ-демократик тузуми барпо бўлганидан бери Қўшма Штатлар, Англия, Франциянинг мусайян доиралари Венгрияда помешчик-капиталистик тартибларни қайта тиклашга қаратилган ўз планларидан воз кечганлари йўқ. Бунинг учун ҳар қандай воситалар ишга солинди: мамлакат ичида халқка қарши бўлган, мавжуд тузумни ағдаришга қаратилган фитналар ташкил этилди; Венгрия территориясида Венгрия Халқ Республикасининг экономикасига путур етказмоқ учун жосуслар, диверсантлар группалари вужудга келтирилди, венгер реакцион эмигрант ташкилотлари қўллаб-қувватланмоқда ва Ғарбга қочиб кетган венгер фашистларидан қуролли группалар тузилди; савдо-иқтисодий муносабатларда Венгрияни камситишга уриниб кўрилди, Венгриянинг давлат тузумига қарши нуқул туҳматлар ва иборат пропаганда олиб борилди ва ҳоказо. «Америкалик венгерлар иттифоқи», «Венгер миллий комитети», «Венгриялик курашчилар уюшмаси» ва бошқа шулар сингари ташкилотлар АҚШда сақланиб келаётган ва венгер халқига душман бўлган ташкилотлардир. Бу ташкилотларга ашаддий реакционерлар ва венгер халқининг душманлари бошчилик қилмоқда.

Бироқ, бу уринишларнинг ҳаммаси муваффақиятсизликка учраб келди. Венгер халқи демократик тараққиёт йўлидан ишонч билан олга борди ва олга бормоқда.

Венгрия ва бошқа халқ демократияси мамлакатларининг социализм қуришдаги муваффақиятлари реакцион доираларнинг ғазабини қўзғатмоқда. Улар, бир томондан, халқ демократияси мамлакатларини ичдан туриб емиришга уриниб, бунинг учун ҳеч қандай воситалардан қайтмаётирлар. Иккинчи томондан, улар шу мамлакатлардаги халқларнинг ўз васийлигидаги исъёнчиларнинг мағлубиятга учраганлигига «тоқат қилолмайди» деб очиқдан-очиқ айтди. Унинг нутқи фашист элементларни халқ демократияси мамлакатларида ур-йиқит қилишга тағин ҳам ошкора равишда давъват қилишдан иборат бўлди. У, баъзи капиталистик мамлакатларда коммунистик партияларнинг биноларига ўт қўйилганлигига қойилман, деди. Айни бир вақтда, у, революцион ишчи-деҳқон ҳукуматини Венгрияга «ёрдам кўрсатилишига» халқият бермоқда, деб айблади. У, «БМТ томонидан Венгрияга ёрдам кўрсатилиши» тўғрисида ўзининг янги резолюция проектини расмий равишда тақдим этди.

Покистон делегати резолюция проектини қувватлаб қисқача нутқ сўзлаганидан кейин (Покистон — шу резолюция авторларидан бири-дир), СССР вакили В. В. Кузнецовга сўз берилди.

Венгриядаги аҳвол деб аталган масала, — деди В. В. Кузнецов, — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини бузган ҳолда, Бош Ассамблея сессиясининг кун тартибига киритилганлигини СССР делегацияси Бош Ассамблеянинг шу сессиясида илгари сўзлаган нутқларида уқтириб ўтган эди. Венгрия ҳукумати Венгрия масаласи деб аталган масаланинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида муҳокама қилинишига қарши норозилик билдирмоқда ва буни мамлакатнинг ички ишларига аралашиш деб ҳисобламоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмас.

Венгрияда яқинда рўй берган воқиалар халқ-демократик тузум асосида катта тараққиётга эришган Венгрия меҳнаткашлари янада тараққий этиш зарурлиги масаласини—иқтисодий қурилиш соҳасидаги камчиликларни тугатиш, аҳолининг моддий фаровонлигини янада ошириш, давлат аппаратидаги бюрократик бузишларни тугатиш масаласини ҳақли равишда қўяётганликларини кўрсатди.

Бироқ, реакция ва контрреволюция кучлари меҳнаткашларнинг бу ҳаққоний ва прогрессив ҳаракатига аралашиб, Венгриядаги халқ-демократик тузумнинг асосларига путур етказмоқ ва мамлакатда эски помешчик-капиталистик тартибларни тикламоқ учун меҳнаткашларнинг бир қисмида бўлган норозиликдан фойдаланишга уриндилар.

Венгрияда халққа қарши бўлган элементлар демагогиядан иборат шиорлар ташлаб ва ўзларини эркинлик учун курашувчилар деб сохта равишда ниқоблаб, меҳнаткашлар оммасини алдашга, уларни ўзларига эргаштиришга уриндилар. Фашист элементлар қонли террор қилиб турган шароитда Надь ҳукумати мамлакатдаги демократик кучларнинг ҳамма вакилларини ўз составидан чиқариб ташлади, реакция кучларининг вакилларини ўз составига олди, ҳақиқатда демократик ҳукумат сифатида тарқалиб кетди ва ўз позицияларини халққа қарши бўлган реакцион кучларга топшириб қўйди. Реакция ошигич равишда контрреволюцион фашист тўнтаришини тайёрлайбошлади, Венгрия меҳнаткашларининг социалистик ғалабаларини тугатишга ва мамлакатда капитализмни тиклашга тайёргарлик кўра бошлади.

Хортичи фашист офицерлар четдан берилган ёрдам ва мададга суяниб, ошкора бош кўтарди ва контрреволюцион кучларга бошчилик қилди. Контрреволюционерлар мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётини тўхтатиб қўйиш билан иш бошладилар. Саноат корхоналари, темир йўллар тўхтаб қолди, газеталар чиқмади, қўй жойларда мактаблар ва шу сингари муассасалар ишламай қўйди. Фашист элементлар халқнинг меҳнати билан барпо қилинган социалистик корхоналарни, давлат ва жамоат муассасаларини, газеталарнинг редакцияларини емиришга киришдилар. Ҳаддан ошган фашистлар венгер ватанпарварларидан ва прогрессив жамоат арбобларидан ваҳшиёна ўч олдилар.

Айни бир вақтда халқаро реакция кучлари ҳам жонланиб, Венгриядаги ўзининг фашист дўстларига ёрдамга келишга интилди. Чет мамлакатлардан Венгрияга ошигич равишда қурол-яроғ юборилиб турди, хортичиларнинг ва нилашчиларнинг ҳамда венгер халқига ўлгидай душман бўлиб, ўз вақтида халқнинг адолатли судидан чет мамлакатларга қочиб кетган бошқа унсурларнинг отрядлари Венгрияга юборилаверди. Бу реакцион отрядлар халқ демократиясига қарши қўпорувчилик ишлари олиб бормоқ учун махсус тайёрланган эдилар. Демократик тузумга қарши сурбетларча пропаганда жуда авж олиб кетди. «Америка овози» радиостанцияси ҳамда Америка пули билан яшаб келаётган «Эркин Европа» деб аталган радиостанция кечаю-кундуз тинмай мамлакатда контрреволюцион тўнтариш ясашга ошкора даъват қилавердилар.

АҚШ, Англия ва Франциядан ёрдам олиб турган реакцион кучлар венгер халқининг бутундемократик ғалабаларини тугатиш ва мамлакатда фашистлар диктатураси ўрнатиш

Венгриядаги контрреволюцион исъённинг маглубиятга учраганлиги АҚШ, Англия ва Франциядаги муайян доираларни жуда газаблантирмоқда, чунки Шарқий Европа мамлакатларидан бирида капиталистик тартибларни тиклаш мақсадидаги уларнинг уринишлари барбод бўлди.

Ҳозирги вақтда шу доиралар ўз демократик ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган венгер халқига ҳамда венгер халқининг ўз халқ демократик тузумини мустаҳкамлашида унга ҳартомонлама ёрдам бераётганларга туҳмат қилмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан фойдаланишга уринмоқдалар.

Бош Ассамблеянинг олий трибунасидан халқлар ўртасида душманликни авж олдиришга қаратилган нутқлар сўзланмоқда, Венгриядаги ва Ғарбга ёқмайдиган сиёсат ўтказаётган бошқа мамлакатлардаги воқиалар тўғрисида ҳар хил уйдирма ва бўхтон гаплар айтилмоқда. АҚШ, Англия ва Франция вакиллари бу соҳада айниқса кўп номақулчиликлар қилмоқдалар. Венгрия тўғрисидаги ҳақиқатни халқлардан яшириб, ва халқларни алдамоқ учун ҳамма воситалар ишга солинди.

Ғарб делегациялари кўпчиликдан фойдаланиб, Хавфсизлик Кенгашида ва Бош Ассамблеяда белгиланган қоидаларни ва Уставни АҚШ, Англия ва бошқа мамлакатлар делегациялари манфаати учун ҳеч бир уялмай бузаётганликлари ҳақида ҳам индамай ўтиб бўлмайди. Венгрия Халқ Республикаси вакилини бошқа баъзи мамлакатларнинг Венгрияда эски капиталистик тартибларни тиклаш мақсадида Венгриянинг ички ишларига аралашишга қаратилган даъволарини рад қилиш, — деди совет вакили, — ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан талаб этилаётган бирдан-бир нақсадир.

В. В. Кузнецов Куба, Перу ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари таклиф қилган резолюцияга ўтиб шуни айтдики, бу резолюция венгер халқини чет давлатларни аралаштирмай эркин демократик сайловлар ўтказишдан иборат ўзининг қонуний ҳуқуқларидан маҳрум қилиш йўлидаги янги урунишдир. Бу резолюция проектининг қолган моддалари ҳам, деб давом қилди совет вакили, Венгриянинг ички ишларига аралашишни кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга қаратилган моддалар бўлиб, Совет Иттифоқига ва барча социалистик мамлакатларга қарши туҳмат кампаниясини кучайтириш мақсадини кўзда тутади. Шу айтилганларга биноан совет делегацияси таклиф этилган бу резолюцияга қарши эътироз билдиради ва унга қарши овоз беради.

Сўнгра В. В. Кузнецов АҚШ таклиф қилган резолюцияга ўтиб, Совет ҳукумати Венгрияга ёрдам кўрсатиш тариқасида кўп миқдорда озиқ-овқат ва бошқа моллар юборишга қарор қилганини эслатиб ўтди.

АҚШ вакили таклиф қилган резолюция проектида Совет Иттифоқига нисбатан туҳмат гаплар бор. Бу проектнинг мақсади венгер халқини ва жаҳон жамоатчилигини лақиллатишдир. Шу сабабларга кўра совет делегацияси бу резолюция проектига қарши овоз беради.

Венгрияда бўлаётган воқиаларга объектив баҳо бериш, деди пиравардида В. В. Кузнецов, шуни яққол исбот қиладики, Венгрия масаласи деб аталган масала Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига зид бўлиб тушган ва ташкилотнинг обрўйини тўкаётган масала бўлганлиги сабабли Бош Ассамблеянинг ҳозирги сессияси кун тартибидан чиқариб ташланиши лозим.

Бу масаланы Бирлашган Миллатлар Ташкилотида муҳокама қилишни давом эттириш йўлидаги уринишларга Венгриядаги реакцион подпольени қўллаб-қувватлаш ниятидаги уринишдир деб баҳо бермаслик мумкин эмас. Бу уринишлар Венгриянинг ички турмушини янги ҳукумат раҳбарлиги остида тезроқ тартибга солишни мураккаблаштириб юборади.

Венгрия масаласини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳокамасидан чиқариб юбориш ўзининг ички ишларига аралашмасликни, мамлакатда халқ демократик тузумни мустаҳкамлашга имконият берилишини талаб қилаётган венгер халқининг манфаатларига ёрдам беради.

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш манфаатлари ҳам шуни талаб қилади.

В. В. Кузнецовнинг бу баёнотидан кейин Франция, Австралия вакиллари, шунингдек чанкайшичи сўзга чиқиб, Америка делегатининг туҳматлан иборат уйдирма гапларини такрорладилар. Франция делегати эса, «Венгрия масаласи» борлигига қарамай, Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеянинг фавқулодда сессияси Англия-Франциянинг Мисрга қарши агрессияси масаласини муҳокама этишга 30 соатдан кўпроқ вақт сарф қилганликларига афсусланаман деди. Австралия делегати «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кузатувчиларини» Венгрияга ёки лоақал унинг чегараларига тезроқ юбориш керак, деди.

Сўнгра Нью-Йорк вақти билан соат 15 гача (Москва вақти билан 9 ноябрь соат 23 гача) танаффус эълон қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XI сессиясида қатнашадиган Совет делегацияси Нью-Йоркка жўнаб кетди

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XI сессиясида қатнашадиган Совет делегацияси 9 ноябрда Москвадан Нью-Йоркка самолётда учиб кетди. Делегацияга СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов бошчилик қилмоқда. (ТАСС).

СССР парламент группаси делегацияси парламентлараро иттифоқининг 45-конференциясига жўнаб кетди

Парламентлараро иттифоқнинг 45-конференцияси ишида қатнашиш учун СССР парламент группаси делегацияси 9 ноябрда «ТУ-104» реактив самолётида Москвадан Банг-кокка учиб кетди.

Делегация составида СССР Олий Советининг депутатлари К. А. Губин, (делегация раҳбари), М. Абдураззоқов, В. Г. Блаженов, М. И. Бурчуладзе, Б. Ғ. Ғафуров, М. А. Ибрагимов, Л. Ф. А. Иллиссон, З. Иманкаликова, А. Курбанов, З. А. Лебедева, З. И. Муратов, А. М. Панкратова, Я. В. Пейве, А. Е. Петрушев, И. Ф. Синицин, М. Турсун-зода ва Н. Т. Ўндасинов бор. Делегация секретари — Н. И. Симонов.

Внуково аэродромида делегацияни СССР парламент группасининг раиси О. В. Куусинен, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. П. Лобанов, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари П. Т. Комаров кузатиб қолдилар. (ТАСС).

Иордания королининг Сурия президенти билан музокаралари

ДАМАШҚ, 9 ноябрь. (ТАСС). «Аррай Аламм» газетасининг хабар беришича, Дамашққа келган Иордания короли Хусайн ва бош министри Сулаймон Нобулси Сурия президенти Шукри Қуатли билан муҳим кенгаш ўтказган. Газетанинг ёзишича, кенгашда араб мамлакатларининг Мисрга амалий ёрдам кўрсатиши ҳақидаги масалалар, шунингдек араб давлатлари бошлиқларининг кенгашини шошилинч суратда чақириш ҳақидаги масала кўриб чиқилган.

Исроил самолётлари Иорданиянинг ҳаво чегарасини буздилар

ДАМАШҚ, 9 ноябрь. (ТАСС). Матбуотнинг Уммондан хабар беришича, 7 ноябрда Иордания армиясининг зенит артиллерияси Иорданиянинг ҳаво чегарасини бузган икки Исроил самолётини уриб туширган.

Венгрияда аҳвол

БУДАПЕШТ, 9 ноябрь. (ТАСС). Будапештнинг кўчаларида ва майдонларида жим-житлик ҳукм сурмоқда.

Контрреволюцион шайкаларнинг қилган бебошликлари натижасида Будапешт жуда вайрон бўлган. Бандитлар анчагина давлат бойликларини талашга ва йўқ қилишга муваффақ бўлганлар. Жумладан, шаҳардаги энг катта магазинлардан бири «Диватчарнак» таланган ва ёндирилган, «Корвин» марказий универмаги қисман тор-мор келтирилган. Саноат товарлари ва озиқ-овқат товарлари сотиладиган ўнлаб магазинлар вайрон қилинган ва ундаги товарлар таланган. Шаҳарнинг кўп районларида электр қуввати, газ ва сув йўқ.

Бундан илгари хабар қилинганича, Венгрия социалистик ишчи партиясининг марказий органи «Сабад неп» газетаси мунтазам суратда чиқиб турибди, бундан ташқари Будапештда Венгрия социалистик ишчи партиясининг шаҳар газетаси — «Непсабадшаги» («Халқ озодлиги») газетаси ҳам чиқарила бошлади.

Революцион ишчи-деҳқон ҳукумати темир йўл ва жамоат транспортини тиклашни шошилинч суратда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифа қилиб қўймоқда. Ҳукуматнинг темир йўл транспорти масаласи билан шуғулланувчи махсус вакили Дьердь Чанади бугун темир йўлларнинг ҳамма ходимларига мурожаат қилиб, ишга чиқишга даъват этди.

Вилоятларда турмуш муваффақиятли равишда йўлга солинмоқда. Зала областидаги нефть конларида ҳамма ишчиларнинг қарийб 70 проценти ишлаб турибди. Баъзи шахталар кўмир қазиб чиқаришга киришдилар. Масалан, Матравидек кончилари кеча 120 вагон кўмир қазиб чиқардилар. Ўз ишлаб чиқариш потенциали жиҳатидан Венгрияда иккинчи ўринда турган область — Боршодда тартиб тикланмоқда.

Жанубий Венгриянинг энг катта шаҳарларидан бири бўлган Сегед шаҳридан хабар берилишича, у ердаги фабрика ва заводларда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Барча саноат корхоналарида ишчилар кенгашлари тузилган. Сегед меҳнаткашлари Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг фаолиятини ишонч ва ҳурмат билан кузатмоқдалар. Улар ҳукуматни қўллаб-қувватламоқдалар, унинг ишига ёрдам бермоқдалар.

Совет Иттифоқининг тинч ижодий ишни тезликда тиклаш манфаатларини қўлаб Венгрияга берган иқтисодий ёрдами шодлик билан кутиб олинди. Сегедада Венгрия социалистик ишчи партиясининг маҳаллий ташкилотлари баланд руҳ билан вужудга келтирилмоқда.

БИЛДИРИШ

Шу йил 12 ноябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон Совет Ёзувчилари Союзининг проза секциясида ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг «Чин муҳаббат» романи муҳокама қилинади.

Қизиққан ўртоқларнинг келишлари сўралади.

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— 11/XI да кундуз Шамсиқамар, кечқурун **Аломат ҳодиса**, 13/XI да **Аломат ҳодиса.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/XI да кундуз **Шўрали**, кечқурун **Пиковая дама**, 13/XI да **Кармен.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/XI да кундуз **Кўнгил қуйлари**, кечқурун **Азиз ва Санам**, 12/XI да **Фарҳод ва Ширин.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 11, 12, 13 ва 14/XI да **А. Г. Соколнинг ҳайрлашув гастроллари.** Аттракцион — **«Мўжизасиз-мужизалар»** Бугун **3 марта томоша** кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН»— кундуз ва кечқурун янги итальян бадиий фильми **Юз серенада.**

«ЕШ ГВАРДИЯ»—эрталаб соат 9 ярим, 11 ва кундуз 12 ярим-да **Рождество арафасидаги кеча**, кундуз саот 2 дан **Юз серенада.**

«ХИВА»—**Юз серенада.**

Солнечный тупик, 7-уйда турувчи **Анастасия Григорьевна Лисоченконинг** Коммунальная кўча, 1-уйда турувчи Виктор Васильевич Лисоченкодан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 3-участка халқ судида кўрилади.

РАНГЛИ

фотоплакатларга

1957 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Йил ичида 24 плакат чиқади.

Плакатларда ўзбек халқининг республика халқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида КПСС XX съезди Директиваларини муваффақиятли бажариш учун олиб бораётган кураши кенг акс эттирилади.

Ўзбекистон саноатига бағишланган плакатларда оғир индустриянинг, завод, фабрика ва янги қурилишлардаги илғорларнинг муваффақиятлари кўрсатилади.

Плакатларнинг бир қанчасида республика қишлоқ хўжалигининг, айниқса асосий тармоғи бўлган пахтачиликнинг кескин юксалиши ёритилади.

Плакатларнинг анча қисмида республиканинг маданият ва фан соҳасидаги ютуқлари (театрлар, колхоз клублари, спортнинг ривожланиши, атом энергиясининг халқ хўжалигида қўлланиши ва бошқалар) кўрсатилади.

Плакатлар ўзбек ва рус тилларида чиқади.

Обуна «Союзпечать» ва почта бўлимларида қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими—132, Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 07784. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1559.